O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Kuch – bilim va tafakkurda

# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 22-may, shanba № 40 (8273) ISSN 2010-6416

**БОҚИЙ ФИКРЛАР**

**Устоз билимли — шогирд илмли.**

Ўзбек халқ мақоли

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 май куни Оқсаройда Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири Ян Цзечини қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон Хитой Халқ Республикаси раҳбариятининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятига қаратаётган эътибор ва аҳамиятини юксак қадрлашини таъкидлади.

— Хитой Халқ Республикасининг халқаро нуфузи ва ШҲТнинг Тошкентда бўладиган тадбирларида кенг иштирок этиши ҳозирги замон жаҳон сиёсатида мазкур ташкилотнинг роли ва ўрнини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, — деди Ислом Каримов.

— Хитой Сизни замонамизнинг буюк сиёсатчиси сифатида юксак қадрлайди. Сизнинг раҳбарлигингизда Ўзбекистон халқи мустақил давлат қуриш йўлида улкан ютуқларни қўлга киритди. Сиз ХХР Раиси Ху Цзиньтао билан ҳамкорликда Ўзбекистон — Хитой муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқдингиз, — деди Ян Цзечи.

Бугун мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар анъанавий дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ривожланмоқда, сармоявий, савдо-иқтисодий, энергетика ва транспорт-коммуникацияларга оид кенг кўламли масалаларни қамраб олган. Икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг аксарият йўналишларида, жумладан, минтақавий ва халқаро хавфсизликка таҳдид солувчи терроризм, экстремизм, айирмачилик, наркотрафик ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси каби хатарларга қарши курашишда мамлакатларимизнинг позицияси ўхшашдир. Булар Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Хартиясида ҳам энг муҳим масалалар сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси билан Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар 1994 йилдан амал қилаётган энг кўп қулайлик яратиш тартиби асосида жадал ривожланаётир. Хитой Халқ Республикаси мамлакатимизнинг етакчи иқтисодий ҳамкорларидан биридир.

Оқсаройдаги учрашувда Ян Цзечи самимий қабул учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик билдириб, Ўзбекистон Республикасининг ШҲТга раислиги давридаги саъй-ҳаракатлари туфайли мазкур ташкилотнинг халқаро майдондаги роли мустаҳкамланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Суҳбат чоғида икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ҳамда Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифига доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

# ЮКСАК ПАРВОЗ САРИ





**Фарғона вилояти Олтиариқ туманидаги 1-умумтаълим мактаби математика, инглиз тили, тарих, она тили ва адабиёт фанларига ихтисослаштирилган бўлиб, бу ерда ёшларнинг пухта билим олиши учун барча шароит яратилган.**

Янги ўқув йилида мактаб давлат дастури доирасида мукаммал таъмирдан чиқарилиб, қўшимча 210 ўринли янги ўқув биноси қурилди, 300 ўринли ўқув биноси реконструкция қилинди. Шунингдек, ўқувчи-ёшларни жисмоний баркамол этиб тарбиялаш мақсадида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан замонавий спорт иншооти қуриб берилди.

Мактабда спорт-соғломлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунда билим масканида 6та спорт тўгараги фаолият кўрсатмоқда.

— Мамлакатимизда болалар спортига қаратилаётган эътибор туфайли ўғил-қизларимизнинг иқтидори шаклланиб, юксак марралар сари дадил интилмоқда, — дейди мактабнинг жисмоний тарбия ўқитувчиси Нафиса Аҳмадалиева. — Биз каби аёл мураббийлар меҳнатининг рағбатлантирилиши эса кўнглимизни тоғдек кўтариб, фарзандларимизнинг юксак парвози учун мустаҳкам қанот бўлишга ундайди.

**Суратларда Олтиариқ туманидаги 1-аниқ ва ижтимоий фанларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабининг жисмоний тарбия машғулотларидан лавҳалар акс этган.**

**Шухрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар.**

**ГАЗЕТАНИ ВАРАҚЛАГАНДА:**

**УСТОЗ-ШОГИРД: АНЪАНАНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ**
у таълим самарадорлигининг ошишига хизмат қилади
3-бет

**ИРОДА ЎЗ-ЎЗИНИ ЕНГМОҚДИР**
7-бет

**ТАБИАТГА МУҲАББАТДАН МАВЖЛАНГАН ТЎЛҚИН**
8-бет

**«НИМА УЧУН?»НИНГ ЖАВОБИ НИМА?**
11-бет

# МЕТОДИК ТАЪМИНОТ

## таълим самарадорлигининг яна бир омили

Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида “Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг якунлари: таҳлиллар, хулосалар ва навбатдаги вазифалар” мавзусида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда республикамизнинг турли олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, республика ташкилоти раҳбарлари, аспирант ва докторантлар, тадқиқотчилар, таълим муассасаларининг амалиётчи ўқитувчилари иштирок этди.

Конференцияда асосий эътибор “2004—2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури”нинг бажарилиши натижаларини комплекс таҳлил этиш, умумтаълим мактаблари моддий-техник базасини ривожлантириш, ўқув-тарбия жараёнини дидактик таъминлашнинг сифат ва самарадорлигига эришишга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилди.

Қизғин баҳс ва мунозараларга бой бўлган конференцияда таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижалари якунига етаётган мазкур ўқув йили бўйича таҳлилларга тўхталиб, галдаги вазифалар ҳақида фикр юритилди. Жумладан, ўқув режа ва фан дастурлари ҳамда дарсликлар, таълим-тарбия жараёни узлуксизлиги ва узвийлиги нуқтаи назаридан бугунги кун талабига тўлиқ жавоб бера олмаётганлиги, баъзи ҳолларда 9 йиллик фан дастурларига академик лицей ва касб-ҳунар коллежларидаги айрим мураккаб мавзулар ҳам киритилганлиги, бунда ўқувчиларнинг ёши ва психо-физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш лозимлиги айтилди.

*Konferensiya*

Мазкур камчиликларни тузатиш мақсадида фан дастурлари ва дарсликлари узвийлик ва узлуксизлик нуқтаи назаридан таҳлил қилиниб уларни қайта ишлаб чиқишга киришилгани, бунинг учун таълим муассасаларидан ўз фанини чуқур билган, тажрибали, фидойи ўқитувчиларни жалб этган ҳолда 29 йўналиш бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этилгани таъкидланди. Шунингдек, ўқувчилар билимини баҳолашнинг мавжуд кўп баллик рейтинг тизими ҳамда ўқитувчилар йиллик иш юкламаларининг бажарилиши ва улар фаолиятини баҳолаш ҳисобот шакллари, мезонлари мураккаблиги, ўқитувчиларнинг кўп вақти таълим-тарбияга эмас, балки таълим-тарбия тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлаш ва уларни ҳимоя қилишга сарфланаётганлиги ҳақида куюнчаклик билан мулоҳазалар билдирилди.

Бундан ташқари, педагогика фанлари доктори, профессор Р.Сафарованинг “Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури” талаблари асосида ўқув-методик адабиётларни модернизациялаш», Республика таълим маркази директори И.Зокировнинг “Умумтаълим мактаблари ўқув-методик таъминотини ривожлантириш ва унинг истиқболдаги вазифалари”, Тошкент шаҳридаги 89-мактаб директор ўринбосари Т.Гайернинг “Таълим сифатини оширишда замонавий технологиялар: муаммолар ва ечимлар” мавзусидаги маърузалари иштирокчилар томонидан кенг муҳокама этилди.

Сўнгра, муҳокама ва мунозаралар «Умумтаълим мактаблари ўқув-тарбия жараёнининг дидактик таъминотини такомиллаштириш: муаммолар ва ечимлар», «Мактаб таълимини ривожлантириш истиқболларини белгилашда педагогика фанининг ўрни» деб номланган шўъбаларда давом эттирилди.

Конференцияда билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида тегишли илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Жаҳонгир МУСАЕВ,**
**Халқ таълими вазирлиги Ахборот хизмати бошлиғи**

*Ko'rgazma*

**Тошкент ахборот технологиялари университети «BEST SOFT UZBEKISTAN-2010» кўргазма-форумининг мантиқий давоми сифатида «Ахборот технологиялари мутахассиси куни» бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди. Ундан кўзланган мақсад, мутахассисларни иш ўринлари билан таъминлаш, ёшларга ўз билим ва кўникмаларини намоён этиш учун имконият яратишдир. Тадбир «SuperJob.uz» портали билан ҳамкорликда ташкил қилинди.**

Унда иштирок этган «TCITY», «UNISOFT», «NIHOL-KOMTEX», «NORMA HAMKOR», «BEMSYSTEMS», «Келажак овози» каби компания, ташкилот ва порталлар турли мутахассисликлар бўйича бўш иш ўринларини ёшларга таклиф қилди. Бунда, хусусан, менежер, дастурчи, дизайнер каби мутахассисларга талаб катта экани сезилди. Ярмаркада иштирок этган талабалар, битирувчи-ёшлар ўзларини қизиқтирган соҳалар бўйича қатор компания ва ташкилотларга ишга кириш истагини билдиришди. Ва шу ернинг ўзида анкеталар тўлдиришди.

# АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МУТАХАССИСИ: УНГА ТАЛАБ КАТТА

— Ахборот технологиялари бугунги кунда энг аҳамиятли, ҳамма учун бирдай зарурatга айланган соҳадир. Шу боис ҳам мазкур мутахассислик кадрларига эҳтиёж катта. Бугунги тадбирда ҳам ёшлар менежер, дизайнер бўлиб ишлашга кўпроқ қизиқиш билдирмоқда. Уларнинг барчаси аллақачон шу соҳадаги билим ва кўникмаларни етарли даражада эгаллашган. Ярмарка ёшларнинг ҳаётида ўзига хос имконият, бурилиш бўлиб хизмат қилса ажаб эмас, — дейди лойиҳалар бўйича менежер Умидахон Маҳкамжонова.

Дарҳақиқат, жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган тараққиёт ёшлардан компьютер технологиялари, шунингдек, дастурлар билан ишлашни мукаммал эгаллашни талаб қилмоқда.

— Компьютер технологиялари бўйича веб-дизайн, 3-Д дастурлари билан ишлашга қизиқаман, — дейди Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти 4-курс талабаси Дилноза Жалилова. — Шу сабаб, ярмаркада таклиф этилаётган иш ўринларининг кўпчилиги эътиборимни тортди. Бир неча дастурлар билан ишловчи компанияларга ўзим ҳақимда маълумотлар бердим.

**Санобар ЖУМАНОВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# ЯКУНИЙ ФЕСТИВАЛЛАР БОШЛАНДИ

*May — xorijiy tillar fanlari oyligi*

Пухта режа ва улкан мақсадлар билан бошланган хорижий тиллар фанлари ойлиги ўз ниҳоясига етай деб қолди. Энди бир ой мобайнида амалга оширилган ишларини сарҳисоб қилиш фурсати етиб келганини англаган фан ўқитувчилари якуний фестивалларни ўтказишни бошлаб юборишди. Юнусобод туманидаги 97-мактабда ҳам фанлар ойлигига бағишланган якуний фестиваль қизғин ўтди.




Унда ўқувчилар томонидан тайёрланган деворий газеталар, ижодий ишлар ва рефератлар кўргазмалари ўтказилиб, бу мусобақаларда ўзбек ва рус синфларида таълим олувчи ўқувчиларнинг барчаси фаол иштирок этди.

Шунингдек, фан ойлиги давомида параллел синфлар ўртасида ҳам мусобақалар ташкил қилиниб, улар бевосита ўқувчилар билимини оширишга хизмат қилди, дейиш мумкин. Мактабда фаолият юритувчи 7 нафар инглиз тили фани ўқитувчиси томонидан кўплаб очиқ дарслар ташкил қилинди.

Фестивалда энг яхши деб топилган синфлар ва ўқувчилар мактаб маъмурияти томонидан тақдирланишди.

— Бу кўргазмали фестивалда барча ўқитувчилар ўз синфлари билан пухта тайёргарлик кўриб, ижодий рақобатлашишди, — дейди инглиз тили фани ўқитувчиси Шаҳноза Алишерова. — Ўйлаймизки, ушбу тадбирларнинг барчаси уларнинг кейинги фаолиятларида асқотади.

**Суратларда инглиз тили фани ўқитувчиси Дилдора Усмонова 9-синфда инглиз тили тўгарак машғулоти ўтмоқда.**

**Бурҳон РИЗОҚУЛОВ олган суратлар.**

# БИОХИЛМА-ХИЛЛИК БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Ҳар йили 22 май «Халқаро биохилма-хиллик куни» сифатида нишонланади. Шу муносабат билан «Янги авлод форуми» болалар ижодиёти марказида «Биохилма-хиллик болалар нигоҳида—2010» экологик форуми ўтказилди. Давбионазорат, «Чинор ЭНК» экологик нашриёт компанияси, «Экомактаб» экологик-ресурс маркази ҳамкорлигида ўтказилган ушбу анжуманда республикамизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрган 300дан зиёд болажон ўзларининг она-табиатга, уни асраб-авайлашга бағишланган шеърлари, ҳикоя, ашула ва рақсларини йиғилган меҳмонларга намойиш этди. Шунингдек, болаларнинг ўзига хос содда ва беғубор фикрлари, қарашлари тасвир туширилган расмлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

«Биохилма-хиллик болалар нигоҳида—2010» экофоруми ижодий танловининг адабий йўналишида ғолиб бўлган Тошкент, Бухоро ва Навоий шаҳарлари болажонлари Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тақдим этилган «Жайрон изидан» болалар экологик экспедициясида иштирок этиш имкониятини қўлга киритдилар.

Шунингдек, тасвирий санъат йўналишида қатнашган ёш иштирокчилар ўртасида ҳам ғолиблар аниқланиб, тақдирлаш маросими ўтказилди. Ҳомий ташкилотлар тақдим этган турли эсдалик совғалари болажонларга қувонч улашди. Улар чизган суратлар «Экология хабарномаси», «Экологический вестник» журнали ҳамда «Ёш эколог», «Юный эколог» болалар экологик бюллетени, календарь ва плакатларда жойлаштирилади.

Гўзаллик дунёни қутқаради, дейишади. Асл гўзалликни эса инсониятга меҳрибон табиат туҳфа этган. Табиатнинг бу меҳрига, чексиз саховатига муносиб жавоб қайтариш, ундан оқилона фойдаланиш бугун олдимизда турган энг катта ва масъулиятли вазифалардан бири саналади.

**Шаҳина ЖЎРАЕВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

Yangi loyiha

# УСТОЗ-ШОГИРД: АНЪАНАНИНГ ЯНГИ ҚИРРАСИ

## У таълим самарадорлигининг ошишига хизмат қилади

### ҚАДРИЯТЛАР ИБТИДОСИ

Кўҳна Шарқда устоз ва шогирд муносабатлари қадрият даражасига кўтарилган. Ушбу моҳият бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бунинг бир неча асослари бор, албатта. Халқимизда ўз ишининг устасига берилган турли таърифлар ичида "Устоз кўрган" иборасига нисбатан алоҳида назар билан қаралади. Чунки халқ орасида УСТОЗга нисбатан эҳтиром ва ҳавас ўзгача. Ана шу муносабат фарзандларини Устоз қўлига шогирдликка беришда ҳам муҳим мезон саналади. Шу нуқтаи назардан, Устоз-шогирд анъанасини бугунги таълим тизимига кенг жорий этиш, замонавий таълимни маънавий қадриятлар асосида такомиллаштириш муҳим масалалардандир.

Аҳамиятлиси, сўнгги пайтларда "Устоз-шогирд" муносабатини нафақат таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига, балки педагоглар ўртасида, ҳаттоки таълим бошқарувида ҳам жорий этишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Куни кеча Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги 2-мактабда барча шаҳар ва туманлар таълим муассасалари учун намунавий тарзда "Устоз-шогирд" муносабатларига бағишланган маҳорат мактаблари ана шу мақсадда ташкил этилди.

Дунёга теран нигоҳ билан назар ташловчи кишилар оиласида гўдак дунёга келганида уни комил, билимли ва солиҳ кишилар тарбиясига берганлар. Улар фарзандларини тарбиялаб, ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказишга масъул бўлганлар.

### ТИЗИМ ЯНГИЛИГИ: ТАЖРИБА, ТАҲЛИЛ, ТАЛҚИН

Бугун юртимизда истиқлол шарофати билан фан ва таълим, илм ва маданият юксак даражада ривожланди, устоз ва шогирд муносабатлари ҳар қачонгидан мустаҳкамланди. Илдизи қадим ўтмишдан қуват олиб турган мазкур анъанага айниқса сўнгги йилларда алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада халқ таълими тизимида "Устоз-шогирд мактаби", "Ёш ўқитувчилар мактаби", "Илғор тажриба мактаби" сингари бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, олий ўқув юртларини эндигина тамомлаб, умумтаълим мактабларида фаолиятини бошлаган ёш ўқитувчиларга жамоадаги катта тажрибага эга ўқитувчини 3 йил давомида бириктириш ва унда педагогик кўникмаларни тадрижий равишда юксалтириб бориш анъанаси кўплаб мактабларда синалди. Андижон вилоятида ташкил этилиб, бир йил давомида тажрибадан ўтган "Устоз-шогирд мактаби" эса бугунги кунда республикамиз миқёсида оммалаштирилмоқда.

— "Устоз-шогирд" лойиҳаси дастлаввал Андижон вилояти Асака шаҳар халқ таълими тизимига қарашли 10та умумтаълим мактаби ва 2та давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати доирасида амалга оширилди. Ушбу мактабга устозлар тайинлаш жараёнида қобилиятли, бой педагогик тажрибага эга, ютуқлари жамоатчилик томонидан эътироф этилган илғор ўқитувчилар танлаб олинди. Бунинг учун тавсия қилинган устоз ва шогирдлар тўғрисида муассаса раҳбарлари, уларнинг касбдошлари, ўқувчи ва ота-оналарнинг фикрлари тинглаб кўрилди, — дейди Асака шаҳар халқ таълими бўлими услубчиси Турсуной Газибаева. — Шунингдек, маълум фан ўқитувчисининг дарслари ва синфдан ташқари ўтказган тадбирлари таҳлил қилиниб, матбуотда нашр қилган мақолалари, ўқитган синф ўқувчиларининг фан олимпиадаси ва турли мусобақаларда кўрсатган натижалари, яратган муаллифлик дастури, методика ва янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланганлиги сингари жиҳатлар инобатга олинди. Жумладан, 40 йиллик меҳнат тажрибасига эга Асака шаҳридаги 42-давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернати она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси А.Мирзаахмедов Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби, Халқ таълими фидойиси, "Дил дафтари" шеърий тўплами муаллифи сифатида устозликка ҳар томонлама мақбул деб топилди. Ушбу устозга икки йиллик меҳнат тажрибасига эга Асака шаҳридаги 10-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Мавлуда Назарова, беш йиллик иш тажрибасига эга Асака шаҳридаги 7-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Моҳидил Эркабоева ҳамда Асака шаҳридаги 4-умумтаълим мактаби ўқитувчиси, 13 йиллик педагогик тажрибага эга Замирахон Солижонова шогирд сифатида бириктирилди. Ушбу лойиҳа муваффақиятли амалга оширилгач, келгуси ўқув йилидан Замирахон Солижонова устозлик даражасига кўтарилиб, ўзи ҳам уч нафар шогирд-ўқитувчига тўплаган тажрибалари асосида сабоқ беришни бошлайди.



Айни дамда мактабларда ташкил этилган "Касбий маҳоратни ошириш устахонаси" ҳам замонавий жиҳозланган бўлиб, фанга ва педагогик технологияларга оид методик қўлланма ҳамда адабиётлар, кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллар ва фотоальбомлар билан таъминланган.

### "УЙҒОНИШ МЕХАНИЗМИ"

Мамлакатимизда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури муваффақиятли амалга оширилиб, билим даргоҳларининг моддий-техник базаси замон талаблари асосида шакллантирилгач, асосий эътибор таълим сифати ва мазмунини юксалтиришга қаратилмоқда. Жойлардаги фидойи, жонкуяр ва маҳоратли ўқитувчиларни аниқлаш, улар ёрдамида ёш педагогларга кўмак бериш орқали "Устоз-шогирд" лойиҳасининг кенг миқёсда амалга оширилиши ҳам таълим соҳасидаги муҳим ислоҳотларга қанот бўлмоқда.

Айни дамда ушбу лойиҳа юртимизда катта қизиқиш билан амалга оширилаяпти. Бунинг учун республикамиздаги 200та тумандан 18та фан йўналишида малакали, ташаббускор, ижодкор, илғор ва ўз касбининг етук мутахассиси бўлган 3600 нафар устоз-ўқитувчи аниқлаб олинди.

— Устоз-ўқитувчиларни танлаш жараёнида уларнинг иш тажрибаси, эришган ютуқлари, ўтказган дарс ва синфдан ташқари тадбирлари таҳлиллари, ўқувчилари эришган натижалар ва бошқалар инобатга олинди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Абдураҳим НОСИРОВ. — Уларнинг ҳар бирига тумандаги янгиликка интилувчан, билим олиш ва тажриба орттиришга иштиёқманд ҳамда устоз маслаҳатига эҳтиёжи бўлган уч нафар, мамлакатимиз миқёсида эса жами 10800 нафар педагог бириктирилди.

Йиллар синовида тобланиб, ўқитувчилик сир-асрорларидан бохабар устозлар эндиликда ўзи билан бир сафда — маслаги ва мақсадлари бир бўлган ёш ҳамкасбларига тажрибаларини ўртоқлашишга ошиқмоқдалар.

Дастлаб, устоз-ўқитувчи фаолият кўрсатадиган мактабда "Касбий маҳоратни ошириш устахонаси" ташкил этилиб, иш режалари тузилади. Ойнинг биринчи ҳафтасида устоз ўз мактабида шогирдлари учун намунали дарс ташкил этади, келгуси уч ҳафтада шогирдлар ўз мактабларида навбатма-навбат очиқ дарсларни олиб боради. Қолган шогирдлар эса устозлари бошчилигида намунали дарсларни кузатиб, таҳлил қилишади, фикр-мулоҳазаларини билдириб, ўзаро тажриба алмашади. Ой сўнгида "Касбий маҳоратни ошириш устахонаси"да ўтилган дарслар таҳлиллари яна бир бор муҳокама қилиниб, хулосалар умумлаштирилади. Аниқланган камчиликлар юзасидан атрофлича тавсиялар берилиб, янги иш режалари тузиб чиқилади.

Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманлари таълим муассасалари учун ташкил этилган "Устоз-шогирд" маҳорат мактаблари фаолиятига доир амалий семинарда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳар бир дарсни очиқ дарс даражасига етказишни ўзларининг асосий мақсадига айлантирган амалий семинар мезбонлари устоз-шогирдлар иштирокида бошланғич таълим, она тили ва адабиёти, кимё, биология, математика, қозоқ тили, чизмачилик, география, мусиқа, жисмоний тарбия, давлат тили, инглиз тили, тарих, информатика, рус тили ва адабиёти, тожик тили ва адабиёти, физика каби фанлардан очиқ дарслар ташкил этди. Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан ташриф буюрган меҳмонлар ушбу дарсларга кириб, "Устоз-шогирд" анъанасини ўрганиб, таҳлил қилдилар. Очиқ дарслар икки турда — УСТОЗ ва ШОГИРД раҳбарлигида бўлиб ўтди.

### УСТОЗ ВА ШОГИРДЛАР ЛОЙИҲА ҲАҚИДА...

**Малоҳат УМАРОВА, Поп туманидаги 38-мактаб ўқитувчиси:**

— Шогирдларимизни қўллаб-қувватлаш, улар олиб бораётган ишларда кўмак бериш ҳамда ёш ўқитувчиларни педагогик муҳитга мослаштириш биз — узоқ йиллик тажрибага эга ўқитувчилар зиммасида. Ҳозирги кунда Поп туманида ҳам 18 нафар устоз ҳамда 54 нафар шогирднинг ўзаро тажриба ва маҳорат алмашиши тизими ташкил этилмоқда. Бугунги кунда туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан бу борада кўплаб семинар-тренинг, давра суҳбатлари ва тадбирлар ўтказилди. Устоз-шогирдларга мутахассислар томонидан тегишли методик тавсиялар, йўл-йўриқлар кўрсатиляпти.

**Марҳамат АХМЕДОВА, Чирчиқ шаҳридаги 16-мактаб биология фани ўқитувчиси:**

— 6-мактаб ўқитувчиси Дилором Халилова ўзи ёш бўлишига қарамай, бизга устозлик қиляпти. У битта дарс мобайнида бир неча методларни қўллаб, дарснинг самарали ташкил этилиши учун ҳаракат қилади. Мультимедиа ва тарқатма материаллар билан кўпроқ ишлаш, "эссе", "боғ яратиш", "ролли ўйин" каби методлари таълим жараёнини жонлантириб, ўқувчиларнинг зерикиб қолишига йўл қўймайди. Устоздан ўрганган методлар асосида ўтаётган дарсларимиз таълим самарадорлигини ошириш учун хизмат қилмоқда.

### КЕЛАЖАКДАН УМИДЛАР КАТТА

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шу тарзда устоз-шогирдлик анъанаси замонавий қиёфа касб этиб, илғор тажрибалар асосида янгича ижобий жиҳатлар билан бойитиб борилар экан, тез орада юртимиздаги барча таълим муассасаларини қамраб олади. Устоз мақомига эришган ўқитувчиларнинг касбий маҳорати бирма-бир ўрганилиб, ҳар бир педагог ўз касбий масъулиятини маҳорат билан уддалаш орқали халқимиз эҳтиромини ҳамда ишончини қозониши, шубҳасиз.

**Санжар РУСТАМОВ, Башорат ОТАЖОНОВА, "Ma'rifat" мухбирлари**



### ҚИЗЛАР БИЛАН НЕГА АЛОҲИДА СУҲБАТ ЎТКАЗИЛАДИ? ЧУНКИ УЛАРНИНГ СОҒЛИҒИ КЕЛАЖАК АВЛОД САЛОМАТЛИГИГА ДАХЛДОР.

Ромитан туманидаги 33-мактаб битирувчи қизлари иштирокида давра суҳбати уюштирилди. Туман марказий касалхонаси аёллар шифокори Н.Бозорова, қишлоқ врачлик амбулаториясидан М.Муҳаммедова соғликнинг бебаҳо бойлик эканлиги, соғлом турмуш тарзини ташкил этишнинг аҳамияти каби масалалар хусусида ҳаётий мисоллар асосида фикр юритишди. Давра суҳбатида қизлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан тегишли жавоб олишди.

Шундан сўнг ташкил этилган «Ўзбегим қизлари» деб номланган тадбирда таълимнинг кейинги босқичига қадам қўйиш арафасида турган 9-синф битирувчи қизлари иштирок этди. Қизлар бешта шарт бўйича беллашдилар. Иштирокчи қизларнинг турли йўналишлардаги истеъдодларини намойиш этишлари, саволларга берилган теран жавоблари, уй-рўзғор юмушларини бажариш маҳорати тўпланганларда катта таассурот қолдирди.

**С.ТОШЕВА**

### ЖИБЛАЖИБОН — ЎЗБЕКИСТОНДА 2010 ЙИЛ ҚУШИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.

Ўқувчиларнинг Ватанимиз серқирра табиати, Ўзбекистон орнитофаунасини ташкил қилувчи турлар ва уларнинг табиатга келтираётган фойдаси ҳақидаги билимларини ошириш, қушлар ҳаёти мисолида табиат қонунларини ўрганиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси қушларни ҳимоя қилиш жамияти "Жиблажибон — Ўзбекистонда 2010 йил қуши" деб эълон қилиши муносабати билан халқаро биохилма-хилликни асрашга бағишлаб "Гуллар ва қушлар" ёшлар экологик кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда Шеробод туманидаги 17-мактаб ўқувчилари ҳам фаол иштирок этди. Байрамда сайроқи ва хонаки қушлар, хонаки гуллар намуналари, икибана кўргазмаси, гул ва қушлар акси туширилган альбомлар, байрам гулчамбари ва гулдасталари, гул уруғлари, байрамга бағишланган деворий газеталар, қуш инлари ва шунингдек, экологик ўйинлар намойиш этилди. Қизиқарли баҳс-мунозарага бой бўлган кўрик-танловда мактабнинг 7-синф ўқувчиси Э.Холиёров "Экоэрудит", 8-синф ўқувчиси А.Юсупов "Энг яхши расм ва қўлда ясалган қуш" номинацияси бўйича ғолибликка эришиб, танловнинг республика босқичида қатнашиш йўлланмасини қўлга киритди.

Шунингдек, 7-синф ўқувчиси Нилуфар Салимова "Қушлар ҳақида энг яхши эртак, ҳикоя, шеърлар" номинацияси бўйича вилоят миқёсида ғолиблар сафидан ўрин эгаллади.

**Шаҳар ЖЎРАЕВА,**
**Шеробод туманидаги 17-мактаб ўқитувчиси**

### ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИДАГИ 4ТА КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИДА 2009 ЙИЛ СЕНТЯБРЬ ОЙИДАН 16 СОАТЛИК ДАСТУР АСОСИДА «АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР» ЎТКАЗИЛМОҚДА.

Ушбу дарсларга жадвал асосида туман мактабларининг 9-синф битирувчилари қатнашиб, коллеж-лар фаолияти, ўқув хоналари, устахоналар, компьютер синфлари, кутубхона, спорт заллари билан танишиб, дарс жараёнларида бевосита иштирок этишмоқда.

Февраль ва март ойларида туман мактаблари 9-синф битирувчиларининг оталари иштирокида 4 коллеж ва 2 умумтаълим мактабида «Оталар мажлиси» ўтказилди.

Яқинда коллежларда «Очиқ эшиклар куни» бўлиб ўтди. Тадбирда барча умумтаълим мактаби директорлари, амалиётчи психологлар, 9-синф раҳбарлари, битирувчилар, касб-ҳунарга йўналтирувчилар ва педагог ходимлар иштирок этишди.

11—13 май кунлари педагогика коллежида 9-синф битирувчилари учун «Мутахассислик — сенинг келажагинг» мавзусида туман ХТБ, касб-ҳунар коллежлари ва «Камолот» ЁИҲ туман бўлими ҳамкорлигида кўргазма ташкил қилинди. Юқори савияда ўтказилган ушбу тадбирда 1824 нафар 9-синф битирувчиси ва уларнинг ота-оналари қатнашди. Педагогика коллежининг «Мусиқа таълими» йўналишида таълим олаётган ўқувчилар иштирокчиларни ўз қўшиқ, рақслари билан баҳраманд этишди.

**Ф.МАНСУРОВ,**
**А.ҚОРАБОЕВ**

### ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА 2009 ЙИЛИ ЎТГАН ЙИЛГА НИСБАТАН ФУҚАРОЛАРНИНГ ЁЗМА МУРОЖААТЛАРИ ҲАМДА ТАКРОРИЙ АРИЗАЛАР СОНИ КЕСКИН ОШГАН. БУ ЭСА ҲУДУДИЙ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ МУДИРЛАРИ УШБУ МАСАЛАДА ЛОҚАЙДЛИККА ЙЎЛ ҚЎЯЁТГАНЛИКЛАРИНИ КЎРСАТИБ ТУРИБДИ.

Бошқарма бошлиғи ҳузуридаги йиғилишда мазкур масалада ўзгариш бўлмаган тақдирда мутасаддиларга нисбатан қатъий чора кўрилиши таъкидланди.

Қонунларимизнинг йилдан-йилга кўпайиб, такомиллашиб бораётганлиги ҳуқуқий-демократик жамият қуриш йўлидаги қадамларимизнинг тобора залворлироқ бўлаётганлигидан далолат. Ҳар бир қонунга қатъий амал қилиш эса ўз келажагимизга бўлган ҳурматимиз ифодасидир.

Фарғона вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан ҳам фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини кўриб чиқиш, уларда кўтарилган масалаларни ҳал қилишда «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунга риоя этилмоқда.

Жорий йилнинг 1-чорагида бошқармага фуқаролардан жами 124та ёзма мурожаат келди.

Ўрганиш натижаларига кўра 35 хат муаллифи кўтарган масалалар ижобий ҳал этилди. 41 мурожаатга жавоблар йўлланди. 1 мурожаат бошқарма ваколатига кирмаганлиги сабабли тегишли идорага юборилган бўлса, 10та хатда кўтарилган масала амалдаги қонунга зид бўлганлиги учун рад этилди ва бу ҳақда муаллифларга хабар берилди. Шунингдек, таълим муассасасини қуриш, таъмирлаш, жиҳозлар билан таъминлаш масаласидаги 8 мурожаат муаллифларига ушбу масалалар режа-дастурга киритилганлиги ҳақидаги хабар жўнатилди.

**Баҳодиржон ШОКИРОВ,**
**«Ma'rifat» мухбири**




### ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ВА ВИЛОЯТ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲАМКОРЛИГИДА "СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ — БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ АСОСИ" МАВЗУИДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Унда таълим тизими мутасаддилари, вилоят умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари, услубчилар, психологлар иштирок этди.

Таълим соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали билим масканларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Болаларда атроф-муҳитга, табиатга меҳр-муҳаббат, ўз саломатлиги, келажаги учун масъулиятни астойдил ҳис этиш кўникмаларини шакллантиришда мутахассислар иштирокидаги давра суҳбатлари, «Саломатлик ҳафталиклари», учрашувлар, ижодий викторина ва кўрик-танловларнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлмоқда.

Семинар-тренингда экологик омиллар ва уларнинг саломатликка таъсири, турли юқумли касалликларнинг олдини олиш, умумтаълим мактабларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида ўтказиладиган маънавий-маърифий тадбирларнинг самарадорлигига оид мавзуларда маърузалар тингланди.

**Юлдуз ҲАИТОВА,**
**ЎзМУ талабаси**

### ҚИЗЛАР ОТА-ОНАСИГА-ДА АЙТОЛМАГАН «СИР»ЛАРИНИ КИМГА АЙТИШИ МУМКИН?

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қарашли 1-сон талабалар турар жойида психолог ва талаба-қизлар учрашуви ташкил этилди. Уни ўқув юрти психологи Зуҳра Сирожиддинова олиб борди. Йиғилиш давомида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишдан ташқари, керакли маслаҳатларни ҳам тинглашди.

— Қувонарли томони шундаки, психолог билан ҳар душанба куни суҳбатлар уюштириб турилади, — деди талаба Зебинисо Ҳайитова. — Агар бизни бирор нарса безовта қилаётган бўлса, мутахассиснинг олдига бориб, маслаҳатларни кунт билан эшитамиз.

**Шаҳрибону ИМОМОВА**

### ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТ ФАНЛАРИНИ НОАНЪАНАВИЙ ТАРЗДА ОЛИБ БОРИШ, МАШҒУЛОТ ЖАРАЁНИДА ТУРЛИ ТАЪЛИМИЙ ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЎҚУВЧИЛАР ҚИЗИҚИШИНИ ОРТТИРАДИ.

Термиз шаҳридаги 9-мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Назира Ҳотамова ҳам ўз дарсларини ана шу тамойилга амал қилган ҳолда ўтади. Шунингдек, ўқитувчи машғулот давомида ҳар бир ўқувчи билан индивидуал тарзда иш олиб боради. Шу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, ўқувчилари ҳам фан олимпиадасининг вилоят босқичларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Н.Ҳотамова доимий тарзда ўтказиб келинаётган республика тил анжуманларида очиқ дарслари билан иштирок этиб келади. Халқ таълими аълочиси Назира Ҳотамова ўқувчиларини ижодкорликка, бўш вақтларида шеър ва ҳикоялар ёзишга ундайди.

**Суратда: она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Н.Ҳотамова навбатдаги машғулотда.**
**Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат.**



### ҲАР ЙИЛИ ТУМАНДА ЁШ ПЕДАГОГЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ИҚТИДОРЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УСТОЗЛИК КАСБИГА БЎЛГАН МЕҲР-МУҲАББАТНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА "ЁШ ЎҚИТУВЧИ" ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Танловда 1 йилдан 3 йилгача педагогик иш тажрибасига эга бўлган, ўқитиш тили ва фанидан қатъи назар, барча умумтаълим мактабларининг олий маълумотли ўқитувчилари қатнашиш имкониятига эга.

Туман халқ таълими бўлими методика кабинети томонидан танловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш тартиблари ишлаб чиқилган. Унга кўра, танлов икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда иштирокчи ўзи кузатган бир соатлик дарсни таҳлил қилади, илғор педагогик технологияларга асосланган бир соатлик дарс ишланмаси ва "Дарс жараёнида АКТдан фойдаланиш" мавзусидаги маъруза тайёрлайди.

Иккинчи босқичда эса ёш муаллим ўз фанининг оригинал кўргазма тақдимотини ўтказади. Бунда иштирокчи фаолияти давомида белгиланган мақсади, уни амалга ошириш режаси ва шаклларни, эришган натижалари ҳамда кўргазма мазмун-моҳиятини изоҳлайди. Шундан сўнг фанга оид берилган сўзни шарҳлаб, эркин мавзу шартини бажаради.

Яқинда кўрик-танловнинг туман босқичи ўтказилди. Унда туман умумтаълим мактабларининг 8 нафар ёш, иқтидорли, изланувчан ўқитувчилари иштирок этиб, шартлар бўйича ўзаро беллашди. Танлов натижаларига кўра, 4-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Нафиса Рустамова биринчи ўринни эгаллади.

**Латофат ЗОЙИРОВА,**
**Қоровулбозор тумани**
**ХТБ Методика кабинети мудири**

### ДЎСТЛИК ТУМАНИДАГИ 2-МАКТАБ РАДИОУЗЕЛИ ОРҚАЛИ МАМЛАКАТИМИЗ ҲАЁТИГА ОИД ЯНГИЛИКЛАР ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРДА ҲАМ ЎҚУВЧИЛАР ЭЪТИБОРИГА ҲАВОЛА ЭТИЛАЯПТИ.

Мактабнинг ёш ўқитувчиларидан бири Маъмура Муллабоеванинг фан ойлиги доирасида 5-синфда ўтган очиқ дарси ноанъанавийлиги билан ажралиб турди. У дарс давомида ўтилган мавзуларга оид турли кўргазмали қурол ва қўшимча адабиётлардан тўғри ва унумли фойдаланди.

— Маъмура Муллабоева изланувчан, машғулотларда янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланиши билан барчага ўрнак бўлмоқда, — дейди ҳамкасби Ўктам Темиров. — Устоз-шогирд анъаналарига риоя қилган ҳолда иш юритиши унга қўл келмоқда.

Мактаб педагогик жамоаси ойлик давомида ўқувчиларнинг хорижий тил фанлари бўйича билим, кўникма ва малакаларидаги бўшлиқларни аниқлаб, таълим самарадорлигини ошириш борасида кенг қамровли тадбирларни ўтказиб келмоқда.

**Абдусаттор СОДИҚОВ,**
**"Ma'rifat" мухбири**

## БИЛИМЛАР СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

*Olimpida — 2010*

Фарғона давлат университетида ўзбек тили ва адабиёти фанидан олий ўқув юртлари талабалари ўртасида республика олимпиадаси ҳам қизғин беллашувларга бой тарзда ўтди. Мамлакатимизнинг турли олий ўқув юртларидан ташриф буюрган 16 нафар ёшлар бу ерда нафақат ўз билимларини синовдан ўтказишди, балки бир-бирлари билан дўстлашиш, ўзаро фикр алмашиш бахтига ҳам муяссар бўлдилар.

— Мен беллашувларда қатнашиб катта таассуротлар олдим, — дейди Нукус давлат педагогика институти 3-босқич талабаси Ирода Вафоева. — Турли олий ўқув юртларида таҳсил олаётган тенгдошларимдан билмаганларимни ўргандим, уларнинг баъзилари эришаётган ютуқларга ҳавас қилиб, қалбимда яна ғайрат ва шижоат ортди.

Олимпиада беллашувлари дастлабки куни иншо ёзишдан бошланди. Бу борада талабалар ўз иқтидорларини намойиш этишгач, улар оғзаки савол-жавобларда яна бир бор синовдан ўтказилди.

Баҳсларнинг иккинчи куни тест синовлари бўлиб ўтди. Якуний беллашув эса тезкор савол-жавоблар тарзида ташкил этилди.

Олимпиада якунларига кўра Фарғона давлат университетининг филология факультети, ўзбек тили ва адабиёти йўналиши 4-босқич талабаси Мафтуна Ҳакимовага биринчи ўрин насиб этди.

— Олимпиада беллашувларида қатнашиш имкониятини қўлга киритганимдан сўнг кейинги босқичга пухта тайёргарлик кўрдим, — дейди ғолиба. — Билмаганларимни устозларимдан сўраб ўргандим, дарсдан ташқари турли адабиётларни ўқиб чиқдим. Бу изланишларим эришган ютуқларимга омил бўлди, десам хато қилмаган бўламан.

**Б.ШОКИРОВ,**
**А.СИДДИҚОВ.**
**Фарғона вилояти**

# “КИЧИК АКАДЕМИК”ЛАР КАТТА МАРРАЛАР САРИ

*2010-yil — Barkamol avlod yili*




Умумий ўрта таълим мактабларида ташкил этилган “Кичик академия”лар иқтидорли, изланувчан ва билимга чанқоқ ўқувчиларни излаб топиш ҳамда уларнинг илмий, амалий ишларини қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ёш тадқиқотчилар томонидан тақдим этилган тажриба ва ғоялар, кашфиёт ва бадиий-амалий санъат намуналарининг сифат жиҳатдан йилдан-йилга такомиллашиб бораётгани бу академиялар фаолияти мақсадли равишда ташкил этилганидан далолат беради.

“Баркамол авлод йили”да ушбу йўналишдаги амалий ишлар кўлами янада кенгайди. Буни “Кичик академия” аъзолари ўртасида кўп бора ўтказилаётган илмий ва амалий ишлар тақдимоти ҳам исботлаб турибди. “Келажак ворислари” номи остида Ҳамза туманидаги 69-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган танловда туман босқичи ғолиби деб топилган икки нафардан иқтидорли ўқувчи иштирок этди. Улар турли фанлардан ўзлари қизиқиб изланиш олиб борган мавзуларда тақдимот ишларини ҳимоя қилдилар. Жумладан, тарих, математика, биология ва эстетика фанларидан тайёрлаб келинган ишланмалар юқори баҳоланди.

— Алгебра ва геометрия фанларига қизиқишим юқори бўлгани сабабли, бугунги чиқишда “Айланувчи жисмлар” мавзусидаги изланишларимни намойиш этдим, — дейди 69-мактабнинг 9-синф ўқувчиси, “Кичик академия”нинг аниқ фанлар йўналиши аъзоси Нодира Абдукаримова. — Маълумки, стереометрия бўлими 9-синф ўқув дастурларига киритилмаган. Шу боис уни мустақил равишда ўргандим ва айланувчи жисмлар ҳақида эгаллаган билимларимни геометрияга қизиқувчи тенгдошларим эътиборига ҳавола қилдим.

Кўрик-танловда Мирзо Улуғбек туманидаги 210-мактаб академияси аъзоларининг “Саломатлик ва тўғри овқатланиш” мавзусидаги тақдимоти ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинди. Ёш биологлар инсон саломатлигининг тўғри овқатланишга нақадар боғлиқ эканлиги, бунда ўқувчилар нималарга аҳамият қаратиш лозимлиги тўғрисида тўхталдилар. Яккасарой туманидаги 89-мактаб ўқувчиси Александр Назаров эса геология фани ва минерал моддаларнинг ўзига хослиги борасида эгаллаган билим ва тажрибалари билан ўртоқлашди. Шунингдек, Юнусобод туманидаги 271-мактабнинг ихтирочи ўқувчиси Ғиёсиддин Ҳайитбоевнинг физика, механика ва архитектура уйғунлигида яратилган сув қурилмаси ҳамда Юнусобод туманидаги 240-мактаб ўқувчиси Камрон Жабборовнинг тасвирий санъат намуналари ҳам муносиб баҳоланди.

— Бугунги тадбир кўплаб иқтидорли ўқувчиларни кашф этди, — дейди ТШХТББ Методика маркази мудираси Нодира Шомансурова. — Шу пайтга қадар бошқармамизга ўқувчиларнинг юздан ортиқ энг намунали илмий ишлари тақдим этилган эди. Улар етук профессор олим ва мутахассислар томонидан ўрганиб чиқилди ва муносиб баҳоланди. Айтиш мумкинки, мактабларда ташкил этилган “Кичик академия” мутахассисларда катта таассурот уйғотмоқда.

Кўрик-танлов шаҳар миқёсида биринчи маротаба ўтказилган бўлса ҳам, унда Сергели, Собир Раҳимов, Ҳамза ва Юнусобод туманларидан ташриф буюрган “ёш академик”, “ёш олим” ва “ёш ихтирочи”лар фаол иштирок этиб, саҳнада ўз қобилиятларини маҳорат билан намойиш эта олди. Танлов якунига кўра ғолиб деб топилган ўқувчилар Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг дипломлари билан тақдирланди.

**С.РУСТАМОВ,**
**“Ma'rifat” мухбири.**

**В.ГРАНКИН олган сурат.**

# ФАН ВА САНОАТ

*Xalqaro hamkorlik*

Бугунги кунда барча соҳаларда кўп йиллик миллий тажрибалар қаторида, эътироф этилган халқаро инновацион ғояларни ўрганиш ва ўз ўрнида қўллашга алоҳида аҳамият қаратилаётир. Ана шундай муҳим йўналишларда ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган хорижий давлатлардан — бу Жанубий Кореядир. Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил февраль ойида Корея Республикасига ташрифи эса икки давлатнинг ҳамкорлик алоқаларида янги уфқларни очди. Ўша пайтда мен икки нафар магистрант билан Дегу шаҳрида илмий амалиётни ўтаётган эдим. Биз, ёш мутахассисларнинг Дегуга икки ойлик сафаримиз Жанубий Кореянинг «KITECH» фирмаси ёрдамида уюштирилди. Бу корхона мамлакатимизда тўқимачилик саноатини замонавий асосларда ривожлантириш бўйича тенг ҳуқуқли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Жанубий Корея тўқимачилик саноатида нафақат пахта ёки ипак каби табиий толалардан аъло сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилади, шунингдек, кимёвий толаларни ишлатиш соҳасида ҳам катта ютуқларга эришилган. Мамлакат енгил саноат корхоналарининг атиги 3 фоизи кийим-кечак ишлаб чиқаради, қолган 97 фоизи жуда даромадли — геотўқимачилик, экотўқимачилик, биотўқимачилик каби йўналишларда фаолият олиб боради.

Ҳозирги кунда Кореянинг тўқимачилик корхоналари дунёнинг ривожланган давлатларидан Германиянинг «TRUTSCHLER», Швейцариянинг «RIETER», Япониянинг «MURATA» фирмасида ишлаб чиқарилган энг сўнгги техникалар билан жиҳозланган. Уларда асосан кимёвий толалардан хомашё сифатида фойдаланилади. Машҳур «ADIDAS», «Columbia», «Puma» ва бошқа спорт кийимларини ишлаб чиқарувчи фирмаларга мато етказиб берадиган фабрикалар айнан Дегу шаҳрида. Биз бу корхоналарга хос бўлган иш юритиш, истеъмолчи талабини ўрганиш, инновацион ғояларнинг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши, шаҳардаги илмий тадқиқот институтлари ва корхоналар ҳамкорликда узвий иш олиб бориши жараёни билан бевосита танишдик.

Тўқимачилик корхоналарининг сўнгги моделдаги ахборот технологиялари билан таъминлангани уларнинг бозор талабларига тез мослаша олиши ва бошқарувни осонлаштиришига гувоҳ бўлдик. Корея тўқимачилик саноати ривожланишида асосий эътибор инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқаришга жорий этишга қаратилади. Чунончи, илмий тадқиқот муассасалари ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда илмий ғоялар устида иш олиб боради, аниқ натижаларга эришгач, соҳа мутахассислари агентлигига мурожаат этади. Эришилган ютуқлар холисона баҳоланиб, хулоса чиқарилади, сўнг бу ғоялар ишлаб чиқаришга жорий этиш учун молиялаштирилади.

Яна бир диққатга сазовор иш тажрибаси: жаҳон бозорида пешқадамликни қўлдан бермаслик мақсадида корхоналардаги маркетинг таҳлиллари ёрдамида камида икки йилдан кейинги бозор талаблари юқори эҳтимоллик билан башорат қилинади ва намуналар тайёрланади.

Мен ҳозирда «Ҳар хил тузилмали ипларнинг пишиқлик белгиларини башорат қилишнинг илмий асослари» мавзуида докторлик илмий ишини тайёрлаяпман. Тўқиладиган мато ва газламалар сифатини таъминлашда калава ипларнинг пишиқлиги ҳал қилувчи омиллардан биридир. Бу йўналишда Жанубий Корея корхоналари катта ютуқ ва тажрибаларга эга. Шу боисдан, ушбу мамлакатда илмий-амалий сафар мен учун катта тажриба мактаби бўлди.

Ўзбекистон — дунёда пахта, ипак каби ноёб хомашёлар етиштириладиган йирик ҳудудлардан бири. Сўнгги йилларда хомашёни республикамизда қайта ишлашни кучайтириш ва халқаро андозалардаги экспортбоп тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш салмоғини оширишга эътибор кучаймоқда. Шу мақсадда замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги тўқимачилик корхоналари ишга туширилиб, улар жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Айни пайтда сунъий, кимёвий толалар ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва уларни қайта ишлайдиган корхоналарни барпо этиш ҳам изчил йўлга қўйилмоқда. Бу эса олий ўқув юртимиз олдига замоннинг шундай талаб ва эҳтиёжларига мос мутахассис кадрларни тарбиялашни долзарб вазифа қилиб қўймоқда. Бу борада Жанубий Корея сингари иқтисодиёти ва ишлаб чиқариши замонавий талаблар даражасида ташкил этилган мамлакатлар билан кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорлик истиқболлидир.

**Жаҳонгир ҒОФУРОВ,**
**Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат технологияси институти докторанти**

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказида ўтказилган семинарда ўқув йўналишлари ва мутахассисликларни янги таҳрирдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг Классификатори» асосида кўриб чиқиш, олий таълим ўқув режа ва дастурлари, ДТСларни такомиллаштириш масалаларини ўрганишга бағишланди. Тадбирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг раҳбарлари ва бошқарма бошлиқлари, таянч олий таълим муассасаларининг ўқув ишлари бўйича проректорлари, ЎзФА тармоқ институтларининг вакиллари ва кенг жамоатчилик иштирок этди. Марказ мутахассислари маърузалари электрон тақдимот шаклида тайёрлангани кўпчилик эътиборини тортди.**

Маърузаларда таълимда менежмент, узвийлик ва узлуксизликни таъминлаш, сифат ва самарадорликни ошириш омиллари, бакалаврлар тайёрлашнинг йўналиши этиб таълим йўналишлари ва мутахассисликларини халқаро таълим стандартларига (ISO 9001:2008) мослаштириш, иқтисодиётнинг реал тармоқлари, хўжалик юритиш ва бошқарув бўйича мутахассисларнинг чуқур билимга эга бўлишларини таъминлаш, янада чуқурлаштирилган ва дифференциаллаштирилган таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликларнинг янги талаб қилинаётган йўналишлари, юқори ва инновацион технологиялар соҳаси бўйича магистрлар тайёрлаш, меҳнат бозори конъюнктураси ва малакали кадрлар тайёрлашда жаҳон тенденцияларининг амалдаги ва истиқболдаги талабларини инобатга олган ҳолда олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича кадрлар тайёрлаш омиллари тўғрисида атрофлича фикр юритилди.

Замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологиялар асосида потенциал кадрлар истеъмолчиларининг таклифларига кўра илк бор юқори ва инновацион технологиялар соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашга киришилган бакалавриат таълим йўналишлари ва уларга тааллуқли янги магистратура мутахассисликлари, янги Классификатор асосида уларнинг ДТСлари, фан дастурларининг мазмунан модернизациялашган янги шакли муҳокама қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 31 мартдаги 134-сонли қўшма буйруғи билан умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълимнинг амалдаги давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари, касб тавсифномаларининг узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш ва уларни оптималлаштириш юзасидан олимлар, услубчи ва амалиётчи профессор-ўқитувчилардан иборат ишчи гуруҳлар фаолияти натижалари хусусида маълумот берилди. Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2010 йил 26 февралдаги «Узлуксиз таълимни ривожлантириш бўйича устувор илмий тадқиқотларни жадаллаштириш тўғрисида»ги 92-сонли буйруғи асосида олий таълим муассасаларида тасдиқланган илмий тадқиқотлар бўйича (50га яқин) олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари таҳлил этилди.

Семинар якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**МУХБИРИМИЗ**



**Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейда умумтаълим мактаблари битирувчилари учун “Мутахассислик — сенинг келажагинг” деб номланган касблар фестивали бўлиб ўтди.**

**Суратда: фестивалдан лавҳа.**

**Арслон КАННАЗАРОВ (ЎзА) олган сурат.**

*Kasbga yo'naltirish*

# ИБРАТ — КАСБ ТАНЛАШГА АСОС

**Мактабларнинг 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига жалб қилишда Учқўрғон туманидаги Қўғай агросаноат касб-ҳунар коллежида бир қатор ишлар намунали ташкил этилган. Бу ҳақда таълим муассасаси директори Зухрахон Узоқова қуйидагиларни сўзлаб берди:**

— Коллежимиз асосан қишлоқ хўжалиги, иқтисодиёт ва бошқа соҳалари учун кичик мутахассис кадрлар тайёрлаб беришга ихтисослашган маскан ҳисобланади.

Ўқувчиларимиз умумтаълим фанлари қаторида «Қишлоқ хўжалиги машина ва жиҳозларини ишлатиш ва ТХК», «Автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш», «Тикувчилик ишлаб чиқариши», «Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари», «Бухгалтерия ҳисоби» каби касблар бўйича билим олмоқдалар.

Коллеж мустаҳкам моддий-техник базага эга бўлиб, бугунги кунда замонавий жиҳозланган 50та фан кабинети, 1та компьютер синфи, 4та лингафон хонаси, 3та махсус фан ва 1та автомобиль тузилиши лабораторияси, якка тартибда ўқув амалиётларини ўтказиш учун 15та трактор ва турли русумдаги автотранспорт воситаси, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш мутахассислиги ўқувчиларининг назарий дарслари ва ўқув амалиётларини ўташлари учун 5 турдаги 6та қишлоқ хўжалиги агрегатлари, 24та замонавий тикувчилик-тўқувчилик машиналари билан жиҳозланган тикувчилик, 9 хилдаги дастгоҳлар билан жиҳозланган таъмирлаш ва 11 ишчи ўринли чилангарлик устахоналари ўқувчиларнинг пухта касб-ҳунар ўрганишлари учун хизмат қилмоқда.

Ўқувчиларнинг дарсдан кейинги бўш вақтларини мазмунли ўтказиш учун 35та фан, спорт ва касб-ҳунар тўгараклари фаолият кўрсатиб келмоқда. Ёшларнинг жисмонан соғлом, маънан баркамол бўлишлари ва турли хил спорт машғулотларини ўтказиш учун 5та спорт иншооти мавжуд. Улар эрта тонгдан то кечгача ўқувчилар билан гавжум. Ахборот-ресурс марказимизда 6та замонавий компьютер ўрнатилган электрон кутубхона ва 54 мингдан ортиқ турли хил адабиётлар ўқувчилар ихтиёрида. Узоқ жойлардан келиб, коллежда таҳсил олаётган ўқувчилар учун барча шароитлар яратилган 100 ўринли шинам ётоқхонага эгамиз.

Ҳозирги кунда туманимизда 7та касб-ҳунар коллежи ва 1та академик лицей бўлиб, бу таълим муассасаларига тумандаги умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари тўлиқ қамраб олинган ҳолда ҳудудларимиз эҳтиёжидан келиб чиқиб, 36та касбий йўналиш бўйича малакали кадрлар тайёрланмоқда.

Маълумки, ёшларни касб-ҳунар коллежларига жалб этишда уларни касбга йўналтириш, касблар тарғиботини тўғри олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Бу ишларни уларнинг мактабда ўқиётган чоғларидан мактаб ўқитувчилари, синф раҳбарлари билан ҳамкорликдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Чунки мактаб ўқитувчилари, синф раҳбарлари қўлларида тарбия топаётган ўқувчиларининг қайси касбларга кўпроқ мойил эканликлари, қизиқиш ва хоҳишлари тўғрисида кўпроқ маълумотга эга.

Шунингдек, ўқувчини тўғри касбга йўналтиришда уларнинг ота-оналари ёки ака-сингиллари ишлаётган касблари ҳам муҳим омил ҳисобланади. Шу маънода, коллежимизга ўқувчиларни жалб этишда ана шу муҳим омилларни ҳисобга олган ҳолда иш ташкил этганмиз.

Қишлоғимизда ва унга яқин бўлган аҳоли яшаш ҳудудларида 15та умумтаълим мактаби бўлиб, бу ўқув йилида уларнинг 9-синфини 790 нафардан зиёд ёшлар битиради. Улар билан «Мутахассислик — сенинг келажагинг» мавзусида учрашув, суҳбат ҳамда «Очиқ эшиклар куни» каби тадбирларни мунтазам ўтказиб боряпмиз.

Касбга йўналтириш ишларини олиб боришда коллеж фаолиятини тўлиқ акс эттирувчи рангли маълумотномалар, касбларни кенг тарғиб этувчи стенд ва кўргазмалардан самарали фойдаланилаяпти. Қувонарлиси, бугунги кунгача 350 нафардан зиёд 9-синф битирувчилари коллежимизида ўқиш истагини билдирди.

Ўқувчиларни қабул қилиш бўйича коллежимизнинг ўзида ҳам зарур ташкилий ишларни амалга оширдик. Жумладан, барча қулайликлар яратилган «Маслаҳат маркази» ташкил этилиб, унда доимий навбатчилик йўлга қўйилган. Олиб бораётган ишларимиз, албатта, ижобий натижасини бериши, энг асосийси, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўз фарзандлари танлаган касбларидан бир умр рози бўлиб ҳаёт кечиришларининг ўзи барчамизга чексиз қувонч бағишлайди.

**Кўпайсин ХЎЖАМБЕРДИЕВ ёзиб олди.**

# ЎҚУВЧИ, МАҚСАДИНГ АНИҚМИ?

*Jarayon*

Мақсадни елканга ўхшатаман. У орзу-истаклар, туйғулар уммонида аниқ манзил сари етаклайди. Бу сафарда тўфонлар ҳам, гирдоблар ҳам кишини йўлдан чалғита олмайди.

Илгари аниқ мақсадим йўқ эди. Бир сўз билан айтганда, ўзгалар томонидан бошқарилувчи кема эдим. Орзуларим бор эди, лекин уларни амалга ошириш учун нима қилиш кераклигини билмасдим. Келажакда ким бўлсам экан, деган савол ҳар куни миямда чарх урарди. Бир куни ҳарбий, бир куни таржимон, бошқа куни эса ўқитувчи... Тенгдошларим билан суҳбатлардан маълум бўлардики, уларнинг қайси касбга қизиқиши кўпинча қай бир соҳада кўп пул топиш мумкинлиги, қайси олий ўқув юртига кириш осонлигига боғлиқ экан.

Аслида бахт излаб узоқларга бориш шарт эмас. Паоло Коэло қаҳрамонига ўхшаб бахт калитини олисдан излаб топиб, қулфини очиш учун яна ўз маконига қайтиб келиш, назаримда, ақлли кишининг иши эмас. Бунинг учун теранроқ мушоҳада юритишнинг ўзи кифоя. Агар инсон мақсадни аниқ белгилаб олган бўлса, у ҳаёт гўзаллиги, яшаш завқи ва умр саодатини ҳам англаб яшайди. У яхши ном, эзгу амаллар қолдиришга ўргатади. Баъзи инсонларнинг мақсади кишиларга ёрдам кўрсатиш, оғирини енгил қилиш, касбидан ҳаловат топишдан иборат. Бундай инсонларга олқишни ҳам, мукофотни ҳам, турли даражаю мақомларни ҳам халқ беради.

Ҳадемай ўқув йили якунланади. Мактабларда сўнгги имтиҳонларни топшириб, ўқувчилар қадрдон маскани билан хайрлашади. Ўз олдига улуғ мақсадларни қўйган ўқувчилар таҳсилни қизиқиши йўналишидаги академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида давом эттирадилар.

Мактабни тамомлаб, ҳаёт остонасида ҳаяжон билан турган битирувчи ва унинг ота-онаси қандай режалар тузаётгани билан қизиққанимизда мулоҳазалар яна бир бор ўз тасдиғини топди.

**Нигора Маликова, Собир Раҳимов туманидаги 46-мактаб 9-синф ўқувчиси:** — Дугоналарим, устозларим, ота-онам ҳар хил касбни танлашимни маслаҳат берарди. Лекин кўнглимдаги мутахассисликни топиш осон бўлмади. Онамнинг таклифи мен учун айни муддао бўлди. Полиграфия соҳасини танлаб, Тошкент матбаа касб-ҳунар коллежига киришга аҳд қилдим. Бундан ўзимнинг ҳам кўнглим тўлди, ота-онам, устозларим ҳам мамнун бўлди.

**Иқбол Маликова, Нигоранинг онаси:** — Аслида қизимнинг шифокор бўлишини истаган эдим. Бироқ у бунга сираям розилик билдирмади. Турли йўналишдаги касб-ҳунар коллежларидан кўнглига ўтирадиган бирортасини танлашга қийналди. Дугоналари билан турли касб-ҳунар коллежларига борар, аниқ бир қарорга кела олмас эди. Шунда танишим полиграфия касб-ҳунар коллежи борлигини, агар қизим хоҳласа, ушбу коллежда таҳсил олиши мумкинлигини айтиб қолди. Қизимнинг аввалдан компьютерга, ёзиш-чизиш дастурларига нисбатан қизиқиши, лаёқати борлигини инобатга олиб, шу коллежга ҳужжат топшириб кўришни маслаҳат бердим. Бу унга маъқул бўлди. Устози ҳам қизимга энди энг тўғри йўл танлаганини айтибди.

Дарҳақиқат, мустақил ҳаётга қадам ташлаётган фарзанди келажагини ўйлаган ҳар бир ота-она келгусида унга ўзининг бевосита кўмагисиз умр кечиришига имкон яратиши лозим. Бунинг учун ўғил-қизига мақсад ва режаларни аниқ тузиб олиши учун кўмаклашиши, зарур маслаҳат ҳамда йўналишларни кўрсатиши муҳим.

**Санжар САИД, “Ma'rifat” мухбири**

Ruhiyat manzaralari

***Ривоят қиладиларки, йўлда кетаётиб анча толиққан, кексайиб қолган от қудуққа тушиб кетибди. У жон ҳолатда ўзини ҳар томонга урар, кишнарди. Қудуқнинг тепасига келган эгаси бир муддат «Уни қандай қилиб олиб чиқсам экан?», деган ўйда паришонҳол турди-ю, қўл силтади: Отим қариб қолган, барибир янгисини сотиб олмоқчи эдим. Қудуқ бўлса аллақачон қуриб битган. Уни кўмиб ташлаб, бошқа қудуқ кавламасам тирикчилигим қийинлашади. Биратўла отни ҳам кўмиб юбораман, токи ҳар хил ҳидлар чиқмасин... У шундай фикр билан, қўшниларини ёрдамга чақириб, қудуқни кўмишга киришди. Ҳашарчилар қўлларига белкурак олиб, ғайрат билан қудуққа тупроқ ташлай бошладилар. Одамлар нима қилмоқчи эканини сезган от олдинига қўрқувдан қалтираб овозининг борича кишнаб юборди, кейин эса бирдан жимиб қолди. Анча тупроқ ташлангач, отнинг эгаси нима бўлаётганини билиш учун пастга қаради, қаради-ю ҳайратдан ёқа ушлаб қолди. От устига тушаётган тупроқни силкиб, оёғи остига олиб топтар эди. Кўп ўтмай у тупроқ ёрдамида юқорига чиқиб олди ва қудуқдан ташқарига сакради. Ҳамма ҳайрон, ҳамма лол. Қўлларида белкурак, отга ҳавас ва ҳайрат билан қараб туришарди...***

# ИРОДА ЎЗ-ЎЗИНИ ЕНГМОҚДИР

*Қиссадан ҳисса чиқармоқ мумкинки, умримиз давомида биз жуда кўп қарама-қаршиликларга дуч келамиз. Ана шу зиддиятларни енга билсаккина, равон йўлга чиқиб олмоғимиз мумкин. Ҳаётда учраган ҳар бир муаммо агар идрок этсак, гўёки дарёдан ўтиб олмоғимиз учун ташланган тошга ўхшайди. Агар ирода мустаҳкам бўлса, отилган ҳар қандай тош, устингга тушган тупроқни силкиб ташлаб олдинга интилаверасан!*

Дарвоқе, биз бугун ирода хусусида фикр юритмоқчимиз. Аслида одамзод эришажак ҳар қандай муваффақиятларнинг бош омили, уни юксакликка ундаб турувчи куч, умрининг бекатларида дуч келмоғи мумкин бўлган қийинчиликларни енгиб ўтишида мадад бўлувчи қувват ана шу ИРОДА аталмиш мўъжизанинг қўлларидадир.

Эҳтимол инсоннинг хушфазилатлари сирасига кирувчи ироданинг мўъжиза дея атамоқ озгина эришроқдек туюлар. Лекин мушоҳада юритиб кўрайлик-а, қаҳрамонлик мартабасига эриша оладими инсон унингсиз? Катта-катта яратувчанликларнинг дунёга келишию тафаккурнинг буй чўзиши иродага таяниб қаддини ростламаганмикан? Аксинча, ироданинг сустлиги истеъдодларнинг синиши, обрў-эътиборнинг поймол бўлишига, хулласи калом одамзодни боши берк кўчаларга бошловчи қусур эмасми? Шундай!

Атрофимизга бир назар ташлайлиг-а: «Фалончи ишидан урилди-ю, қайтиб кўкрагини кўтара олмади...», «Фалончининг билими ёмон эмасди. Институтга кира олмади-ю, ўқишдан бутунлай кўнгли қолди...». Бу каби ҳаракат ва ҳолатлар билан ҳар сония юзлашмоғимиз мумкин. Лекин бундай ҳафсаласизлик, мақсад йўлидаги қатъиятнинг мўртлиги каби нуқсонларни келтириб чиқарувчи сабабларни изламоқчи бўлсак, шаксизки даставвал ироданинг заифлигига дуч келамиз. Вужуддаги дардни тез ҳис қиламиз, яширсак-да иситмаси ошкор қилиб қўяди. Лекин феълу атвордаги қусур танамиздаги касалликдан ҳам зиёда ҳаётимизга оғу солмоғи мумкинлиги хусусида ҳар доим ҳам ўйлаб кўравермаймиз.

Бундайин дардларимизни ёки тан олмаймиз ёки ҳис қила олмаймиз. Натижада, фарзанд тарбиясида ҳам ана шу «анъана» давом этаверади. Уларнинг усти бут, жони омонми, кўнглимиз хотиржам. Руҳий олами бизни қизиқтирмайди. Ёки қизиқишга қодир эмасмиз. Эҳтимол, умримизни бола-чақамиз дея ўтказаётгандирмиз. Унинг учун боримизни беришга ҳозирмиз. У истаган ҳамма нарсани муҳайё этгандирмиз. Аммо у турмуш синовлари билан юзлашишга тайёрми? Иродаси нечоғлик мустаҳкам? Буни кўра олмаймиз. Оқибат эса, боламиз ҳаётида дуч келган биринчи тўсиқ қаршисида таслим бўлади. Мақсадидан чекинади.

Таянчни тополса-ку яхши, йўқса турли қинғир-қийшиқ кўчалар томон оғиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Хўш, ирода қандай шакллантирилмоғи керак? Унинг алифбоси, ибтидоси нимадан бошланади?

*— Ирода бўшлигининг илдизи оила тарбиясидаги нотўғри муносабатларга бориб тақалади. Болани кўп эркалатиш, ўрни келгада у учун ҳамма нарсани бажариб бериш, аяш, айтиш мумкинки, иродасизлик «дунёга келиши»нинг илк қадамларидир, — дейди психология фанлари номзоди Гулчеҳра Қурбонова. — Дейлик, у билан «ади-бади» айтишиб ўтиргунча, ўрнини йиғиб қўя қоламиз. Ёки ишимизни йиғиштириб уй вазифасини ўзи тушуниб бажаришига кўмаклашишдан кўра, ўзимиз тайёрлаб берганимиз осонроқ туюлади биз учун. Бу жуда жўн вазиятлардир. Лекин ана шу «сояш» уларни суяниб яшашга ўргата боради. Унутмаслик жоизки, боланинг ҳар бир ёшига дахлдор вазифаларни уни зиммасига юклай бориш керак. Унда «Ўзим бажаришим керак» деган масъуллик бўлмадими, катта бўлганида ҳам бошқалардан ёрдам кутишга ўрганиб қолади. Мустақил фикр юритишдан, иш бошлашдан чўчийди. Ўзига ишонолмайди. Аслида иродасизлик, қўрқоқлик, ишончсизлик сингари хислатлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бири-бирини келтириб чиқараверади.*

...Вақт кутиб турмайди. Ўсмир ёшидаги йигит сиз юқорида тилга олганимиздек, ўзига тегишли «юк»ни кўтаришга ожиз. Катта йўлнинг бошида-ю, қадам ташлашга иккиланади. Олдига аниқ мақсад қўйишнинг на режаси, на йўриғи бор. Ўзини ёлғиз, ночор ҳис этаверади. Унга қандай ёрдам бериш мумкин? Яна психолог фикрига қулоқ тутамиз:

*— Агар истеъдод — табиий лаёқат бўлса, мустаҳкам ирода — бу ҳар дақиқа тийиб туриладиган ва бартараф этиладиган ҳиссиётлар, майллар, инжиқлик ва қийинчиликлар, турли мураккабликларни енгишдир», деган эди Бальзак. Демак, ирода орқали инсон ўз келажагини таъминлайди. Иродаси кучли кишилар ҳаёт денгизидан сузиб ўтишади, иродаси кучсизлар эса бу денгиз соҳилида чўмиладилар холос. Англаш қийин эмаски, сузишни ўрганиш учун қанча меҳнат, машаққат керак. Сиз тилга олган вазиятга қайтсак, ҳечдан кўра кеч яхши, деганларидек, ўсмир билан сабр-тоқат ила шуғулланмоқ жоиз. Бунда аввало унинг қизиқиш ва интилишлари билан ҳисоблашиш, ўз-ўзига ишончини орттириш муҳим ўрин тутади. У атрофида яқинликни, унинг фикри тингланаётганини ҳис этгани сайин «Мен ҳам нимагадир қодирман», деган ички ғурурни туяди. Бу эса ироданинг «уйғониши» сари ташланган қадам бўлиши мумкин.*

Айрим оилаларда боланинг қарашлари, сўзи умуман тингланмайди. Ҳатто суҳбатга аралашгудек бўлса, «Сен жим ўтир, нари тур...» қабилида муносабатда бўлинади. Боланинг мактабда устози, уйда ота-онаси, кўчада дўстларидан бу тахлит «тан олинмаслиги» унинг ўз имкониятларини юзага чиқара олмаслик, қатъиятсиз ва ҳар нарсага иккиланиш билан қарайдиган журъатсиз бўлиб улғайишига сабаб бўлади. Аксинча, оила даврасида гарчанд фарзандингиз билдирган фикрни инобатга олиш ноўрин бўлса-да, мавзу юзасидан «Сен бу ҳақда нима деб ўйлайсан?, Сенингча нима қилганимиз маъқул?» каби саволлар билан уларга мурожаат қилсангиз, унинг шахс сифатида ривожланиши, ўзига, сўзига масъуллик сезишига имконият туғдирган бўласиз.

Боланинг ақлан, жисмонан, маънан ва руҳан камол топишида идеал шахснинг ўрни, унга ўхшашга интилиш орзусининг мавжудлиги катта роль ўйнайди. Афсуски, баъзан ўқувчи-ёшларга «Кимга ўхшашни истайсан?» маъносида савол берсангиз, довдираб қолишади, ёки елка қисишади. «Келажакда учувчи бўламан?» деган аҳдни кўнглида тугиши мумкин. Лекин учувчилик фақат парвоз қилиш дегани эмас, балки маълум бир илмларни, амалларни пухта ўрганиб, машаққатларни енгиб, натижаларга эришиш мумкинлиги ҳақидаги тасаввурни уларда шакллантириш лозим. Бунинг учун эса бола маълум шахс сиймосида ўз идеалини кўриши керак. Бу сиймо, албатта, тарихий, машҳур кишилар бўлиши шарт эмас.

Дейлик, бугун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» орқали хорижий мамлакатлар сари парвоз қилаётган, соҳада ўзига яраша мактаб яратиб, касбининг барча машаққатларига елка тутаётган учувчиларнинг ҳаёт йўлларига мурожаат қилиш, улар билан учрашувлар ташкил этишнинг ўзи ибратли сабоқ вазифасини ўтамоғи мумкин. Ёки оддийгина бир соатлик дарсни ўтиш учун тун ярмигача чироғи ўчмаган муаллимнинг меҳнати замиридаги ирода, саботни борича бола шуурига англата олиш-чи? Демакки, боламизнинг ўз идеалига эга бўлишининг ўзи унинг иродали бўлишига замин яратувчи бир омил.

Эътибор қилинг, иродани ўзида мужассам этган бир устоз мусиқашунос шундай дейди: «Мен бугун мусиқа чолғусида олти соат дарс қилмаслигим ва эртага ҳам машғулотларимни қолдиришим мумкин. Лекин ҳақиқий мусиқачи бўлишни истасам, унда чарчоққа, касаллик ва бошқа чалғитувчи омилларга қарамасдан кунт билан шуғулланишим шарт!». Шу нуқтада Вольтернинг "Энг катта ғалаба — ўзимизнинг устимиздан қилган ғалабамиздир», деган сўзларини эслашнинг ўзи кифоя. Ўзни енга олиш учун инсондан катта ирода талаб этилиши эса исбот талаб этмас ҳақиқатдир.

«Эрталаб зўрға уйқудан кўзимни очаман, лекин бир силтаниб тураман, апил-тапил кийиниб спорт майдончаси томон ошиқаман. Агар шу пайт чўзилиб ётишдек истакни енголмасам, кун бўйи ланж бўлиб юраман. Натижада ҳам соғлиғимга, ҳам режаларимга салбий таъсир этади бу ҳол...». Талаба йигитнинг сўзларини тинглаб унинг ҳатти-ҳаракатларига ҳам ирода «бошчилик» қилаяпти, демасдан иложимиз йўқ.

Хулоса қилсак, саломатлигимизнинг мустаҳкамлиги, вужудимизнинг тетиклигида ҳам иродамиз барқарорлигининг хизмати катта.

***...Сўзимизни бир ривоятни ёдга олмоқдан бошлаган эдик. Ва мавзумизга яна унга мурожаат қилмоқ билан якун ясаймиз; кексайиб, вужуди толиқиб қолган от. У устига тушаётган курак-курак тупроқни оёқлари остига олиб янчмоғи, киприкларига энган чанг-ғубордан қароқлари хира тортиб яна амалида давом этмоғига нима қувват бўла олган экан? Шу жонзот ўзи англамаган фазилати билан юксакликка, яшашга иштиёқ топа олган экан, бу ибрат бизни ирода тарбияси хусусида бот-бот ўйлантирмоғи шарт. Дарвоқе, ўғил-қизимизга ҳамма нарсани бисёр қилиб бермоғимиз мумкин, лекин уни Яшаш деб аталмиш курашдан четга олиб қўя олмаймиз. Бу курашда эса у иродасиз енгилмоғи тайин.***

**Ойбуви ОЧИЛОВА**

Ma'rifat
2010-yil 22-may



# ТАБИАТГА МУҲАББАТДАН МАВЖЛАНГАН ТЎЛҚИН

**Бугунги кунда экологияни асраш, атроф-муҳит, ичимлик суви ва атмосферани муҳофаза қилиш каби масалалар дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган энг долзарб вазифадир. Шу боис ёшларда экологик маданиятни шакллантириш, уларнинг атроф-муҳит муҳофазаси ҳақидаги билимларини ошириш ҳукуматимизнинг доимий эътиборида.**

**Фидойи муаллим Баҳодир Худойбердиев ташаббуси билан дастлаб Самарқанд вилоятининг Пахтачи туманидаги 40та мактаб, 5та касб-хунар коллежида ташкил этилган «Яшил тўлқин» гуруҳи бу борада бир қатор ибратли ишларни амалга ошириб келмоқда. Ҳаракат ташаббускорининг ушбу иши 2008 йил 28 мартда Ўзбекистон муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Республика агентлиги томонидан «Атроф-муҳит муҳофазачилари ва унинг сардорларини вояга етказиш» мавзусида №-2537 рақами билан рўйхатга олинган.**

**— Аввало, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш Республика агентлиги томонидан рўйхатга олинган дастур ҳақида тўлиқроқ тушунча берсангиз. Умуман «Яшил тўлқин» гуруҳи фаолиятининг мазмун-моҳияти, ундан кўзланган мақсад нимадан иборат? Таълим муассасаларида ушбу гуруҳни ташкил этиш ва бошқариш шакллари қандай амалга оширилади?**

— Гуруҳлар фаолияти қуйидаги йўналишда боради. Ҳар бир мактабда 5—9-синф ўқувчилари орасидан табиатни севадиган 30 нафар ўқувчидан иборат «Яшил тўлқин» гуруҳлари тузилади. Улар ўз мактабида, яшаб турган ҳудудида йил давомида юқори ташкилот раҳбарларидан кўрсатма, топшириқни кутиб ўтирмасдан, аниқ йиллик режа асосида кўкаламзорлаштириш, ободонлаштириш, тозалик ва озодалик кунларини ташкил этишади ва барча ишларни амалда бажаришади. Ўзларининг ичидан тартиб ва интизомга бўйсунадиган, масъулиятли дўстларини, хурмат қиладиган тенгдошларини ортидан эргаштира биладиган ўқувчи сардор, унинг икки нафар ўринбосари сайланади.



«Яшил тўлқин» гуруҳи аъзоларига аниқ вазифалар тушунтирилади, ўргатилади, айниқса, сардор ва унинг ўринбосарлари ҳар қандай тадбирнинг қизиқарли, мароқли ва самарали ўтишини таъминлаши шарт.

Янги тузилган «Яшил тўлқин» гуруҳи аъзолари ўз мактабини, унинг атрофидаги ҳудудларни ўрганади, қилинадиган ишларнинг режасини тузади ва уни мактаб директоридан тасдиқлатиб олади. Бажарилган ишлар жараёнидаги ютуқларни яшаб турган уйда, кўчасида, маҳалласида ҳам қўллайди.

Аввало шуни айтиш керакки, «Яшил тўлқин» гуруҳига ўқувчиларни бир вақтда тўплаш анча қийин бўлади. Бунинг учун мактаб директори томонидан тайинланган раҳбар-ўқитувчи ҳар бир имконият, вазият, вақтдан унумли фойдаланиши шарт. Гуруҳ раҳбари тадбирлар жараёнида тўсиқ, қарама-қаршиликларни олдиндан сезадиган, муаммони ечиш учун ўқувчилар фаолиятини мақсад сари йўналтирадиган, гуруҳ аъзоларини ортидан эргаштира оладиган мутахассис бўлиши муҳимдир.

Ҳар қандай ишда рағбатлантириш жамоадаги ишга бўлган хоҳишни кучайтиради, руҳий кўтаринкиликни таъминлайди. Гуруҳ фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштиришда мана шу жиҳат ҳисобга олинган. Яъни бажарилган ишларни ўз вақтида қўллаб-қувватлаш, зарур бўлганда ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, тақдирлаш учун ҳомийлар, бошқа имкониятларни излаб топиш, буйруқ билан чиқарилган «Раҳматнома»ни эълон қилиш мактаб директори томонидан амалга оширилади.

Гуруҳ ўзига бириктирилган ҳудудда бажариладиган ишларни маҳалла қўмитаси раиси билан ҳамкорликда амалга оширади. Тушунтириш ва тарғибот, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари, учрашув, кеча ва суҳбатлар уюштиради. Гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, кашандалик ва шу каби бошқа зарарли иллатларга қарши курашиш тадбирлари, театрлаштирилган саҳналар намойиш қилади. «Наврўз» ва бошқа миллий халқ байрамларининг намунали ўтишида ўз ҳиссаларини қўшади.

**— «Яшил тўлқин»чилар ўз олдига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, авайлаб-асраш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, борасида амалий ишлар билан бир қаторда маърифий тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадини ҳам қўяр эканда.**

— Ҳаракатнинг хос дастурида, аввало, қалб даъвати, изчиллик, барқарорликни таъминлаш асосида табиатни тиклаш ва асраб-авайлашга алоҳида аҳамият қаратилган. Хўш, экологик тақвим кўринишидаги ушбу ўқув-услубий ҳаракат дастурининг долзарблиги ва таълим-тарбия тизимидаги аҳамияти нимада, деган савол туғилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш лозимки, миллий ва бутун жаҳон миқёсида қабул қилинган ҳамда табиат билан бевосита боғлиқ саналар, кунлар кўп. Қолаверса, асрлар давомида тартиб берилган, сайқал топган, авлоддан авлодга мерос қилиб қолдирилган азалий ва анъанавий, удумий саналаримиз ҳам талайгина. Ана шу табиат саналари мувофиқлаштирилган тақвим кўринишидаги бу дастур ўзининг яхлит ва узвий, узлуксиз тизимга солинганлиги билан бу борада кутилмаган ва ўхшаши йўқ янгиликдир. Дарҳақиқат, тизимда келтирилган табиат кунларида амалга ошириладиган ишлар, тадбирлар хилма-хиллиги, барқарорлиги, давомийлиги, узлуксизлиги, кетма-кетлиги, босқичма-босқичлиги, ўзаро уйғунлиги таъминланган. Шу жиҳатдан қараганда, унинг илмийликка асосланганлиги, уни бир ҳудудда бўлгани каби бошқа минтақаларда ҳам амалга ошириш мумкинлиги, яъни глобал аҳамият касб этиши, барчанинг мақсадига ҳамоҳанглиги, оммавийлиги билан ҳам долзарб ва жозибалидир.

Дастур ҳаммабоп, болалар учун ҳам, катталар учун ҳам бирдек аҳамиятга эга. Бу болаларнинг диққат-эътиборини табиатдаги маълум ҳодисаларга қаратади. Катталарга ва ўзларига таниш нарсаларнинг нотаниш томонларини кўришга, илғашга ёрдам беради, қаерда, қачон ва қандай ишларни амалга ошириш кераклигини ўргатади. Энг муҳими, катталарни ҳам, болаларни ҳам вазиятни аниқлаш, кузатиш ва баҳолаш, таққослаш, таҳлил қилишга ундайди. Қолаверса, болалар топшириқларни бажариш жараёнида ўқув материалларини яна бир бор такрорлайдилар, яъни олган билимларини амалиётда мустаҳкамлаб, бойитадилар, изланиб, янги билимларни ўзлаштиришга интиладилар. Баъзи топшириқларни бажаришда ота-оналари билан ўзаро ҳамкорликда иш юритиш, таассуротлар билан ўзаро ўртоқлашиш имконининг яратилиши ҳам эътиборлидир.

*Maktabdan tashqari ta'lim*

Дастурда кўрсатилган «Табиат тақвими»да «Сув куни» (22 март), «Ер куни» (21 апрель), «Чекишга қарши кураш куни» (31 май), «Гиёҳвандликка қарши кураш куни» (26 июнь), «Озон куни» (16 сентябрь), «Иккиламчи хомашёни қайта ишлаш куни» (15 ноябрь), «Халқаро ОИТСга қарши кураш куни»(1 декабрь)га бағишланган тадбирларни уюштириш айни муддаодир. Уларнинг баъзиларини конференция, айримларини кўрик-танлов тарзида ўтказиш кўпчиликда катта қизиқиш уйғотади.

«Яшил тўлқин» гуруҳи аъзолари сафининг ўсиши ва мақсадларининг рўёбга чиқишида таклиф этилаётган тақвимий дастур муҳим ўрин тутиши, шубҳасиздир.

Тақвимий саналар дастури доирасида ўтказиладиган тадбирларда турли ролли ўйинлар ташкил этиш, табиат қўйнига, саёҳатга чиқиш кўчат экиш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ойлигида ташландиқ ерларни тартибга келтириш, боғ ва гулзорлар ташкил этиш, уларни парваришлаш, гуруҳлар иш тартибини тузиш, синф ва фан хоналарида, йўлакларда, фойеларда гуллар ўстириш, имконият даражасида ботаника боғи, иссиқхона барпо этиш, турли кўрик-танловлар ўтказиш яхши самара беради.

Тадбирларни бажара туриб тез фурсатда 30 нафар фаол 30 нафар сардорга айланади. Ўзларининг шижоати, ташаббуси, ижодкорлиги билан бошқа ўқувчиларни етаклайди.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу ҳаракат, аввало, ўсиб келаётган ёш авлодда Ватанга ва табиатга меҳр-муҳаббат, шафқат, мурувват ҳиссини, юрт ободлиги ва фаровонлиги йўлида фидойилик кўрсата олиш хислатларини тарбиялайди.

**"Ma'rifat" мухбири**
**Дилшод КАРИМОВ суҳбатлашди.**

*Sizga gapim bor*

# ТЕЛЕФОН УНИВЕРСАЛ ЁРДАМЧИ, АММО...

## унинг яширин «хизматлари»дан ҳам огоҳмисиз?

Ҳар куни хизмат жойимизга кетаётганимизда эрталабданоқ қулоқларига наушникларни тақиб олиб, мусиқани баланд овозда эшитиб кетаётган ёшларни учратамиз. Улар келажакда ана шу "роҳат" қанчалик қимматга тушиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаяптилар.

Автобусда кетаётганимда уларга йўл қўяётган камчиликларини тушунтиришга ҳаракат қиламан. Баъзилари қулоқ солишади ва мусиқани пасайтиришади. Айримлари эса "Сизга нима?! Менга ана шундай эшитиш ёқади", маъносидаги эътирозларни билдиришади. Баъзан эса мусиқа баландлигини баҳона қилибми ёки ҳақиқатдан ҳеч бир сўзимни эшитмаётгандек кетаверадилар.

Энди, уларни кутаётган "роҳатбахш" касалликлар ва "мукофотлар" борасида сўз юритсак. Маълумки, ички қулоқ жуда таъсирчан бўлиб, юқори товуш доимий таъсир этиб турганидан рецепторларнинг "чарчаши" оқибатида асаб толалари учидаги қўзғалувчи нуқталарнинг сезгирлиги табиий равишда пасаяди. Яъни, организм гўё ўзини ташқи қаттиқ товушдан "ҳимоя" қилиш мақсадида сезгирликни "пасайтиради". Оқибатда "мусиқа шайдоси" овоз паст чиқаяпти, деган хаёлда яна мусиқа товушини кўтаради, организм яна асаб қўзғалишини пасайтиради ва охир-оқибат заиф эшитувчи, яъни "қулоғи оғир" одамга айланиб бораётганини сезмай қолади. Чунки баланд товуш ноғора пардани шундай қаттиқ тебрантирадики, кейинчалик салгина юқори товушдан қулоқда оғриқ турадиган, шанғиллайдиган, турли товушлар эшитиладиган бўлиб қолади.

Энг ёмони шундаки, қулоқ ана шундай баланд товушларга ўрганиб қолганидан сўнг, наушниклар тақилмаса, гўё бир нарса етишмаётгандек бўлаверади ва сиз яна наушник тақиб олаверасиз. Дастлаб асаб толаларининг ҳуда-беҳуда қўзғалавериши натижасида кишида невроз ҳолати юзага келади ва арзимаган нарсалардан ҳам жаҳли чиқиб кетадиган бўлиб қолади.

Дунёда мобиль телефондан фойдаланмайдиган киши камдан-кам топилса керак. Бу телефон кашф қилинди-ю, анча-мунча оғирларимиз енгиллашиб кетди. Бироқ, ҳақиқатдан ҳам шундаймикан?

Ҳозиргача кашф этилган радио, электр ва шу каби бир талай тўлқинлар қаторига мобиль телефонларнинг ҳам тўлқини қўшилди. Улар ҳам танимизни тинмасдан "илма-тешик" қилиб турибди. Бизнинг эса бу билан ишимиз йўқ...

Қулоқ инсоннинг ташқи муҳитдан оладиган маълумотларни табиий равишда қабул қилишида катта аҳамиятга эга. Энди, қулоқнинг биологик жиҳатларига мурожаат этсак...

Инсон асосий маълумотни кўриб, эшитиш орқалигина тўла равишда тушуна олади. Кино ёки телевизор кўраётганингизда унинг овози йўқ бўлса, гап нима ҳақида кетаётганлигини илғаш осон кечмайди, натижада керакли маълумотларни яхши ўзлаштира олмай қоласиз. Агар шу маълумотларни радиодан тингласангиз, овозсиз кўришга нисбатан кўпроқ маълумотларни ўзлаштириб олиш мумкин. Инсон организмида муҳим ўрин эгаллайдиган қулоқ уч қисмдан: ташқи, ўрта ва ички қулоқдан иборат. Ташқи қулоқ йўлининг охирида бириктирувчи тўқима — 0,1 мм қалинликдаги ноғора парда бўлиб, у ички қулоқни ташқи қулоқ бўшлиғидан ажратиб туришга хизмат қилади.

Ўрта қулоқ бўшлиғи эшитиш найчаси ёрдамида бурун ҳалқумига туташган бўлиб, қулоқ ичидаги ички ва ташқи босимнинг бир меъёрда бўлишини таъминлайди. Ўрта қулоқда бирбири билан кетма-кет бириккан учта эшитиш суякчалари (болғача, сандон, узанги) ташқи товуш тўлқини таъсирида ноғора пардада ҳосил бўлган тебранишларни ички қулоққа ўтказади. Ички қулоқ–бўшлиқ ва илонизи каналчалар тизимидан, яъни суяк лабиринтидан иборат бўлиб, унинг ичида парда лабиринт жойлашган. Суяк лабиринти ичида чиғаноқ мавжуд бўлиб, унинг ичида товушни сезувчи ҳужайралар, яъни эшитиш рецепторлари жойлашган.

Ташқи товуш ноғора пардани ҳаракатга келтиради ва ундан олинган тўлқин эшитиш суякчалари орқали ички қулоқнинг чиқаноғи ҳамда ярим доира каналчаларидаги перелимфа ҳамда эндолимфа суюқликларини тўлқинлантиради ва чиғаноқ ичидаги эшитиш рецепторларини қўзғатади. Натижада, биз товушларни эшитамиз.

Бу рецепторлар жуда майда сезувчи асаб толаларидан иборат бўлиб, эндолимфа тўлқинланганда улар силкинади ва қўзғалади. Бундай асаб толаларининг сони 24 мингдан кўп бўлиб, уларнинг айримлари ўзига хос тебранма товушларни эшитишга хизмат қилади. Муайян товушларни қабул қиладиган асаб толалари яхши ривожланмаган бўлса ёки касалланса, инсонда айнан ана шундай товушларни қабул қилиш, яъни эшитиш қобилияти йўқолади. Бундай асаб толалари яхши ривожланган болалар эса келажакда яхши мусиқачи бўлиши мумкин.

Рецепторларнинг қўзғалиши эса эшитиш асаблари орқали мия кўприги, ўрта мияда жойлашган пўстлоқ ости эшитиш марказига, сўнгра бош мия ярим шарлари пўстлоғининг чекка қисмида жойлашган олий эшитиш марказига бориб, уни қўзғатади.

Одам сониясига 16-20 минг марта тебранувчи товуш тўлқинларини қабул қилиш имкониятига эга. Ёшларда ўта паст товушларни эшита олиш қобилияти яхши ривожланган бўлади ва у ёш ўтиши билан пасайиб боради.

Умумтаълим мактабларининг IX синфи учун нашр этилган "Одам ва унинг саломатлиги" дарслигида ёзилишича, одамнинг танаси бир талай товушлар дунёси билан ўралган бўлиб, қушлар, турли жониворлар ва ҳайвонот олами, мусиқа оҳанглари ва шу кабилар инсоннинг эшитиш органига таъсир этади. Шуни унутмаслик лозимки, эшитиш ва нутқ ўзаро чамбарчас боғлиқ. Чунки, бола эшитган нарсаларини такрорлаши орқали нутқи ривожланиб боради. Агар бола жисмоний нуқсон билан туғилган бўлса, унда ана шундай фойдали хислатлар ривожланмайди ва у бир умр эшитмайдиган, гапирмайдиган бўлиб қолиши мумкин. Ҳатто заиф эшитувчи болаларнинг нутқларида ҳам айрим камчиликлар мавжуд бўлади. Бу мактаб ўқувчилари ўқиб-ўрганишлари ва билишлари лозим бўлган маълумотлардир. Бу маълумотларни келтиришимиздан мақсад шуки, айни вақтда кўпгина ёшлар ўзлари ўрганган ва билган нарсаларига амал қилмаётганликларининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Инсон организмида рўй бераётган ҳар қандай яхши ва ёмон ўзгаришлар изсиз йўқолиб кетмайди албатта. Қулоқдаги ана шундай нуқсонлар тананинг мия қисмидаги махсус жойда сақланиб қолади ва келажакда туғиладиган бола учун хавфли "вирус" бўлиб хизмат қилади. Агар бу нуқсон мияда сақланиб қолган бўлса, у албатта келажакда эшитиш ва нутқ аъзоларида мавжуд бўлган болаларнинг туғилишига олиб келади.

Маълумотларга мурожаат қиладиган бўлсак, Японияда кичик ўлчамдаги магнитофонларнинг пайдо бўлиши билан 1970-80 йиллар оралиғида 40 фоиз ёшларнинг эшитиш қобилияти пасайиб кетганлиги аниқланган эди. Кореяда эса ана шундай нуқсонли болалар сони ҳозирда 40000 дан ошади. Ёшларимизга бундай камчиликларга йўл қўймасликлари учун керакли йўл-йўриқларни ўз вақтида бериш лозим.

Шу мақсадда вақтли матбуотда бу борада материаллар бериб бориш, телевизорда кўрсатувлар ташкил этиш ва мутахассислар билан махсус суҳбатлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Яна чора сифатида жамоатчилик транспорти воситалари ичида мобиль телефондан мусиқа тинглаб кетиш ман этилиши борасида махсус тартиб ишлаб чиқиш ҳам фойдадан холи эмас, назаримизда. Чунки, "транспорт воситасида мусиқа эшитмагин, бошқаларга халақит берасан", дейилган сўзга "ақлли" болалар "Автобусда мусиқа эшитиш тақиқланади", деган ёзув йўқ, эшитавераман", деб жавоб беришади.

Бундан ташқари, мобиль телефондан кўп фойдаланишнинг зарари борасида кўпдан-кўп материаллар берилаётган бўлса-да, айрим ёшлар уларни жиддий қабул қилишмаяпти. Уларга энг таъсирчан восита, бу бевосита махсус мактаб ёки боғчалардан махсус кўрсатувлар бериб боришдир.

Ўйлаймизки, юқорида кўрсатилган далиллар келажакда ёшларимизнинг ана шундай камчиликка йўл қўймасликлари учун даъват бўлиб хизмат қилади.

**Ҳошимберди ЭГАМОВ,**
**А. Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ катта ўқитувчиси**

# МОБИЛЬ ТЕЛЕФОНДАН ФОЙДАЛАНИШ МАДАНИЯТИ

**Уяли алоқа ҳақида гап борганида мобиль телефонлардан фойдаланадиган ҳар бир инсон бир муҳим нарсани доимо ёдда тутиши керак. Аниқроғи, Жи-Эс-Эм (GSM) стандартидаги ҳар қандай телефон бу кичик частотали радиосигналларни қабул қилувчи ва тарқатувчи аппаратдир. Шу сабаб, уяли алоқанинг заруратини ва фойдасини инкор этмаган ҳолда бугун бу турдаги телефондан фойдаланишнинг умумқабул қилинган (кўпроқ ахлоқий маънога эга) қонун-қоидалари мавжуд эканини унутмаслик даркор. Уларга, хусусан, қуйидагиларни киритиш мумкин:**



*Ta'kid*

- Мобиль телефондан шифохона ва шу турдаги даволаш муассасаларида фойдаланиш чекланган. Сабаби, бу ерда ҳаёт(тириклик)ни таъминловчи ускуналар ўрнатилган бўлиб, сезувчанлик хусусияти юқори мазкур қурилмалар фаолиятига уяли алоқа воситаси салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шундан келиб чиқиб, кўп ҳолларда мобиль телефонни шифохонага кирганда ўчириб қўйиш тавсия этилади;
- уяли алоқа воситасининг нурланиши навигация асбоблари фаолиятига ҳам тўсқинлик қилиши мумкин. Шунинг учун самолётда парвоз қилаётган пайтда мобиль телефондан фойдаланиш қатъиян ман этилади;
- ёнғин содир бўлиши эҳтимоли баланд жойлар — кемаларнинг пастки палубаси, ёнилғи қуйиш шохобчалари, ҳавода майда кимёвий зарралар ёки металл кукуни бўладиган ҳудудларда ҳам мобиль телефондан фойдаланиш тавсия этилмайди;
- жамоат жойлари, жумладан, театр, музей, кўргазма, кинотеатр, мажлис ёки йиғинларда телефонни «овозсиз» ҳолатга ўтказиб қўйиш ёки «овозли хабар» хизматидан фойдаланиш зарур;
- телефонга бирдан баландлаб кетадиган товуш, мусиқа (рингтон) ўрнатмаслик керак. Унинг рингтони атрофингиздаги одамларни безовта қилмаслиги талаб этилади;
- автоулов бошқараётганда телефон қўнғироқларига ёки у орқали мулоқот қилишга чалғимаслик хавфсизлик нуқтаи назаридан энг мақбул ҳаракатлардан биридир;
- жамоат жойлари: транспорт, дўкон, лифтда ва ҳ.к жойларда атрофдагиларга ҳалал бермаслик мақсадида телефон орқали имкон қадар паст овозда ва қисқароқ гаплашган маъқул;
- яна бир муҳим қоидалардан бирига кўра, бирон-бир одамга иш юзасидан унинг бўш вақтларида, яъни иш куни бошланишидан аввал ва тугаганидан сўнг ҳамда дам олиш ва байрам кунлари қўнғироқ қилиш одобга зид. Лекин ўта муҳим масалани ҳал этиш учун қўнғироқ қилишга тўғри келса, имкони борича қисқа гаплашиш лозим.

**Хулоса қилиб айтганда, бугун уяли алоқа воситасини ишлатиш қоидаларини билиш ва уларга амал қилиш фойдаланувчи маданияти даражасини белгиловчи омиллардан бирига айланган. Боиси, уларда инсоннинг шахсий ҳаёти ва атрофдагилар манфаатларига ҳурмат билан қараш мақсади мужассам.**

**Н. ИБРОҲИМОВА тайёрлади.**

# XAVFSIZLIKNI O‘RGATUVCHI O‘YINLAR

***Umumta’lim maktablarida «Hayot xavfsizligi asoslari» kurslarini olib borishdan maqsad o‘quvchilar bilan sodir bo‘lishi mumkin bo‘lgan baxtsiz hodisalarning oldini olish, favqulodda vaziyatlarda bolalarning o‘zini muhofaza qilish usullarini bilishga, to‘g‘ri harakat qilishga o‘rgatishdir. Yozgi ta’til mavsumida mazkur mashg‘ulotlar yanada dolzarbroq ahamiyat kasb etadi. Ta’tilni oromgohlarda, to‘garaklarda, qolaversa, uyda o‘tkazuvchi bolalar kutilmagan hodisa sodir bo‘lgan vaqtda xavfsizlik choralarini ko‘rish va himoyalanish tartibidan xabardor bo‘lishi muhim ahamiyatga ega. Bolalarda bunday ko‘nikmalarni shakllantirish o‘rgatuvchidan o‘ziga xos pedagogik mahoratni talab qiladi. Turli vaziyatlarda qanday harakatlanish, nimalarga e’tibor qaratish lozimligini bolalar xotirasida bir umr saqlanib qolishini ta’minlash uchun o‘ziga xos o‘yin-mashq uslublaridan foydalanish ham yaxshi samara beradi. Quyidagi maqola va uslubiy materiallar orqali siz ularning ayrimlari bilan tanishishingiz mumkin.***

Mashg‘ulotlarda olingan bilimlarni mustahkamlash maqsadida o‘quvchilar o‘rtasida turli o‘yinlar tashkil etish, savol-javoblar o‘tkazish yaxshi samara beradi. Boshlang‘ich sinf o‘quvchilari bilan mustahkamlash darslarini o‘tayotganda «Tezkor savollarga tezkor javoblar» usulidan foydalanish mumkin. Mavzuni ochib beradigan savollar tayyorlanadi. O‘quvchilarga «Kim o‘z uyi manzilini to‘liq biladi?» degan savol bilan murojaat qilinib, to‘liq javob bergan o‘quvchining javobi hisobga olinadi. Agar savollar bilan murojaat qilinganda o‘quvchilar javob berishga qiynalsa, ularga yo‘naltiruvchi savollar bilan yordam beriladi.

O‘quvchilarning o‘z mustaqil fikriga ega bo‘lishi uchun ba’zi vaqtlarda chalg‘ituvchi savollardan ham foydalanish mumkin. Lekin savollarning murakkabligi o‘quvchilar javob bera oladigan darajada bo‘lishi kerak. Shuningdek, ularning olgan nazariy bilimlarini mustaqil ishlash jarayonida qo‘llay bilish, ko‘nikmalarni hosil qilib borishlari uchun turli o‘yinlar qo‘llashni tavsiya etamiz.

«Qutqaruvchi o‘yini»da o‘quvchilarning o‘zlariga ajratilgan rollarni ijro etishlari orqali favqulodda vaziyatlarda qanday harakatlanishlarini tekshirish mumkin. O‘yin o‘tkazish uchun sinf o‘quvchilaridan 10 nafari «jabrlanuvchilar», ya’ni qutqarilishi lozim bo‘lganlar, 4 nafari esa «qutqaruvchi» rolini ijro etishadi. Tanlangan 4 nafar «qutqaruvchi»larga galma-galdan vazifalar beriladi.

Doskaga quyidagi buyumlarning suratlari osilgan:

Fonus, gugurt, suv, oziq-ovqat, issiq kiyim, hujjatlar, oynacha, ko‘rpa, yostiq, shokolad.

Birinchi «qutqaruvchi»ga quyidagi vazifa beriladi: «Kuchli zilzila sodir bo‘ldi. O‘tirgan o‘quvchilarning jabrlanmasligi uchun ularning to‘g‘ri harakat qilishlarini boshqaring».

«Qutqaruvchi» o‘quvchilarga o‘zini muhofaza qilishi uchun parta ostiga yoki sinfning ichki burchaklariga, eshik kesakisi ostiga yashirinish lozimligini aytib, ularni harakatlantiradi. Jabrlanganlar rolini ijro etayotgan guruh o‘quvchilari uning ko‘rsatmasini bajaradilar.

Ikkinchi «qutqaruvchi»ga esa tanlab olingan jabrlanuvchilarni binodan tashqariga evakuatsiya qilish bo‘yicha signal beriladi va harakatlanish topshiriladi. «Qutqaruvchi» yo‘lakchada osilgan evakuatsiya chizmasiga asosan jabrlangan o‘quvchilarni binodan tashqariga, xavfdan uzoqroq bo‘lgan ochiq joyga tartibli ravishda olib chiqadi.

Uchinchi «qutqaruvchi»ga quyidagi vazifa topshiriladi: «Uyda dam olayotgan vaqtingizda evakuatsiya e’lon qilindi. O‘zingiz bilan olib chiqish uchun doskada tasvirlangan buyumlardan 3ta eng zarurini ajrating».

Ajratilgan buyumlar: hujjatlar, ichimlik suvi, oziq-ovqat.

To‘rtinchi «qutqaruvchi»ga esa doskada tasvirlangan buyumlarni sayohatga chiqishda zarurligi bo‘yicha joylashtirib chiqish topshiriladi.

Buyumlar: suv, oziq-ovqat, fonar, gugurt, oynacha, issiq kiyim-bosh, shokolad, ko‘rpa-yostiq (hujjatlar olinmaydi).

Qutqaruvchilarning bergan javoblari va harakatlaridan kelib chiqib, ular orasidan to‘g‘ri javob bergan «Eng mohir qutqaruvchi» aniqlanadi. Agar barcha qutqaruvchilar to‘g‘ri javob bergan bo‘lsa, g‘olib qo‘shimcha savol berish orqali ham aniqlanishi mumkin.

Dars jarayonida «Qor parcha o‘yini»ni ham o‘tkazish mumkin. Qog‘ozdan qor parchalari tayyorlanadi. Ular ichida savollar yoki so‘zlar yashiringan. O‘quvchilarga qor parchalari otib yuboriladi, kimga tushsa, shu bola javob beradi. 1-sinf o‘quvchilari bilan «Uydagi xavfsizlik» mavzusini olib borishda qor parchalari ichiga dazmol, tsirkul, arra, pichoq, qaychi, ketmon kabi so‘zlar yoziladi. O‘quvchilarga qor parchasida ko‘rsatilgan uydagi buyumlarning xavfli tomonini gapirib berish vazifasi topshiriladi.

Keyingi usul ham bilimdonlarni sinovdan o‘tkazishda qo‘l keladi. Bunda o‘quvchilarga kartochkalar tarqatiladi. «A» guruhiga quyidagi ko‘rinishdagi kartochka tayyorlanadi (klaster usuli): «Bo‘sh kataklar ichiga yong‘in sodir bo‘lishiga olib keladigan narsalarning nomini yozing».




Kutilayotgan so‘zlar: gururt, somon, qipiq, yoniq qolgan dazmol, gaz, o‘tyoqqich, qog‘oz.

«V» variant. Kartochka markazida zilzila so‘zi berildi. O‘quvchilarga zilzilaning oqibatlarini yozish topshiriladi.

Kutilayotgan so‘zlar: imoratlarning buzilishi, yong‘inlar, portlashlar, uy devorlarining darz ketishi, buyumlarning qulab tushishi, deraza oynalarining sinib ketishi, odamlarning jabrlanishi.

Keyingi variantlarda sel, qor ko‘chkisi kabi so‘zlar berilishi mumkin. Bo‘sh kataklarga esa shunday favqulodda vaziyatlar oqibatlarini to‘ldirish topshiriladi.

Bunday o‘yinlardan foydalanish, avvalo, o‘quvchilarni fikrlashga majburlaydi, qolaversa, bilim va ko‘nikmalar hosil qilishga olib keladi.

**Farida OBIDOVA,**
**Fuqaro muhofazasi instituti katta o‘qituvchisi,**
**Hulkar HAYITOVA,**
**Roziya HAYITOVA,**
**Qarshi shahridagi 23-maktab o‘qituvchilari**

# TASODIFGA TAYYORMISIZ?

Hayot kutilmagan tasodiflarga to‘la. Ba’zan oddiygina e’tiborsizligimiz yoki loqaydligimiz boshga falokat yog‘dirishi mumkin bo‘lgani kabi, bizga bog‘liq bo‘lmagan tabiat «xuruj»lari ham o‘yu rejalarimizni bir pulga chiqarishi mumkin. Biz tabiatdan ayro holda yashay olmas ekanmiz, uning ana shunday sinovu talofatlari bilan «yuzma-yuz kelish»ga hamisha tayyor turmog‘imiz kerak.



Xalqimizda «Yashin uribdi», degan gap bor. Yoki bahor bizga o‘z «toshqin»larini yubormaydi, deb hech birimiz kafolat bera olmaymiz. Bizga makon bo‘lib turgan zaminning vaqt tanlamayin xoh sahar, xoh yarim tun bir emas, bir necha bora «silkinib» o‘ziga keluvchi «tasodiflari»-chi? Bu kabi favqulodda holatlar shundoqqina yo‘limizdan chiqishi, irodamiz, ilmimizni sinab, hayotimizda u yoki bu tarzda iz qoldirib ketishi mumkin.

Men yoshlarni chaqiriqqa tayyorlash fani o‘qituvchisi sifatida darslarim va qo‘shimcha mashg‘ulotlarimda bu kabi masalalarga ko‘p bora to‘xtalib o‘taman. Chunki yoshlarimiz har qanday vaziyatda o‘zi va yaqinlarini himoya qilishga, suyashga, ularning qo‘rquv va hayajonga tushmasdan vaziyatdan chiqib ketishlariga ko‘maklashishga tayyor turishlari kerak. O‘tkaziladigan tadbirlarimizda o‘quvchilarning, deylik, yer silkinishi, suv toshqini, sel kelishi, qor ko‘chkisi, bo‘ron va dovullar yuz berganida qanday chora ko‘rish lozimligini uqtirib boraman.

«Diqqat barchaga» signali berilishi bilan o‘quvchilar nazariy tushunchalarini amalda qo‘llaydilar. Nazariy va amaliy bilimlarning qay darajada uyg‘unlashib o‘zlashtirilgani ularning xatti-harakatlarida namoyon bo‘ladi. Deylik, yong‘inda qolgan yoxud zaharli gazlar ta’sirida qolgan kishiga ko‘rsatilgan birinchi oddiy va to‘g‘ri yordam kechikib qilingan katta-katta urinishlardan ustun turadi.

Mavzu doirasida yer silkinishi va bunday tasodifiy holat ro‘y berganda bajariladigan harakatlar xususida to‘xtalishdan oldin, tabiatning o‘zi bu haqda qanday «xabar» berishi dalillarini keltirib o‘tmoqchiman. Zilzilani eng avval chumolilar sezib, o‘z inlaridan besaranjom qocha boshlar ekan. Bu bezovtalik hayvonlar va parrandalarning harakatlarida ham o‘z aksini toparkan. Ilmiy manbalarda keltirilishicha, bunday arafada yer osti suvlarining fizik-kimyoviy tarkibi o‘zgarishi yoki bir-biriga yaqin, lekin tutashmagan elektr simlaridan uchqun chiqishi kuzatilgan. Biz esa turmushning ming bir tashvishlari bilan bunday «darak»larni yo sezib yo sezmay qolamiz. Xullas, zilzila ro‘y berdi. Nima qilmoq kerak? Bunday paytda qo‘rquv va sarosimaga tushish kishini shoshirib, turli fojealar tomon boshlab borishi mumkin. Aksincha, juda tez va chaqqonlik bilan harakat qilish, avvalo elektr chiroqlarini o‘chirib, suv va gaz jo‘mraklarini yopish lozim. Imkon qadar zudlik bilan zaruriy narsalarni olib binodan uzoqlashishgan maqsadga muvofiqdir. Shu o‘rinda zaruriy ashyolar nima, degan savol tug‘iladi. Kimdir qimmatbaho buyum, pul haqida qayg‘uradi-yu, eng kerakli narsani unutishi mumkin. Bunday paytda oziq-ovqat va dori-darmonlar, shaxsni tasdiqlovchi va boshqa hujjatlar eng kerakli narsalar hisoblanadi. Bordi-yu zilzila boshlanib, xonadan chiqib ketishga ulgurilmasa, uydagi qulab tushishi mumkin bo‘lgan mebellardan uzoqlashish, devor burchagiga, xonada mustahkam stol bo‘lsa, uning tagiga kirib olish himoyaning ishonchli vositalaridandir.

Biz o‘quvchi-yoshlarimizning ana shunday irodali, o‘zi va yaqinlariga hamisha madad qo‘lini cho‘za oladigan olijanob qalb sohiblari bo‘lib ulg‘ayishiga ham zamin yaratmog‘imiz kerak. Biz yashayapmiz. Demak, har soniya favqulodda holatlar bilan yuzlashmog‘imiz mumkin.

**O‘ktam O‘TKIROV,**
**Navoiy industrial-iqtisodiyot kolleji yoshlarni chaqiriqqa tayyorlash fani o‘qituvchisi**

*Aks sado*

# "УХЛАЁТГАН УЙҒОҚ КЎЗЛАР"

**«Ma’rifat», 2010 йил, 15 май, 39-сон**

**Мазкур мақолани берилиб ўқиб чиқдим. Куюнчаклик билан битилган жумлаларда наинки миллатимиз, балки бутун дунё халқлари олдида турган муаммо, ўй-фикрлар ўз аксини топган. Бу каби муаммолар олдида «очиқ кўзлар» ҳеч нарсани кўрмаётгани ташвишланарли ҳол.**

**Яқин қўшниси, таниши ёхуд яна аллакимнинг бундай муаммолар гирдобида қолаётганидан хулоса чиқариш ўрнига “Нима қилибди, бу бегонанинг боласи-ку, ўз оилам тинч бўлса бўлди-да”, қабилида мулоҳаза юритувчилар орамизда йўқ, дея олмаймиз. Бугун “оммавий маданият” номи билан маҳалла ва қишлоғимизга суқилиб кираётган ёвуз ғоя, бузғунчи ахборотлар эрта-индин фарзандларимиз онгига ҳам ўрнашиб олиши ҳеч гап эмас.**

Очиғи, мен “оммавий маданият” тушунчасига бироз ўзгартиш киритиб, “оммавий маданиятсизлик” деган бўлар эдим. Чунки “шаҳарлик” маъносини англатувчи маданият сўзи айни дамда бутунлай ижобий аҳамият касб этади. Бугун маданият деганда кийиниш, муомала, сўзлашувдан тортиб, миллий қадриятларга содиқлик, Ватан ва миллат манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйиб, эзгу мақсадлар йўлида чин дилдан, ҳалол меҳнат қилишгача, барча-барчаси кўз ўнгимизда намоён бўлади. Хиёнат, ажрашиш, ахлоқсизлик ва енгил ҳаёт кечиришга бугун айрим мамлакатларда «фаровон» турмуш ва «демократик» жамият «мезони» сифатида қаралмоқда.

Оммавий тарзда тарғиб қилинаётган бу каби ҳолатлар ёшларимизда “бизда ҳам шундай қилса бўлади”, деган фикрни уйғотмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бунинг олдини олиш учун ёшларнинг онгига буюк аждодларимиз айтиб ўтган ҳаётий ҳақиқатларни сингдириш лозим. Шу билан биргаликда, ёшлар ҳаётидаги, тарбиясидаги бўшлиқларни тўлдириш зарур. Уларни кўпроқ ва яна кўпроқ фаол соғлом ҳаёт тарзига жалб қилиш даркор. Таҳсил олиш, спорт билан шуғулланиш, ўзи севган ва ардоқлаган касб-ҳунар билан машғул бўлишнинг афзалликларини тушунтириш керак.

Бир оилани биламан. Икки нафар ўғил фарзанд ақлли-ҳушли, одоб-ахлоқи ўзига яраша. Бироқ, улар бироз шўх, ўйин-кулгу, копток тепиш ва компьютер ўйинларига мойилроқ. Ота-онаси эса уларни қандай тарбиялашнинг тўғри йўлини топишган. Болалар куннинг ҳар бир дақиқасини бирор юмуш билан машғул бўлиб ўтказади. Эрталабдан мактабга, кейин спорт машғулотларига боришади. Машғулотлар тугагач, ҳар куни уйда навбати билан инглиз ва корейс тилларини ўрганади. Бир куни хонадонга борганимда телевизорнинг ўраб қўйилганига гувоҳ бўлдим. Уй бекаси буни катта ўғлини дарс қилмаганлиги учун «жазо» чораси сифатида қўллаганлигини айтди. Демак, ота-она тез-тез фарзандларининг мактабда қандай ўқиётгани билан қизиқади, уйга берилган топшириқларни бажаришини назорат қилади. Айни пайтда, кези келганда, фарзандларини етаклаб сайр ва томошаларга чиқади, уларни ташқи ҳаётдан бутунлай узиб қўймайди. Назаримда, шу усулда, яъни ёшларни “оммавий маданият” таъсиридан турли чекловлар билан эмас, кўпроқ мажбурият ва масъулият ҳиссини кучайтириш билан ҳимоялаш мумкин. Уларнинг бўш вақтини қаттиқ назорат қилиш, ким билан дўст тутингани-ю, мактабдан сўнг нималар билан машғул эканига катта эътибор қаратиш муҳим.

Ёшларни “оммавий маданият”дан ҳимоя қилишнинг яна бир йўли уларни кўпроқ китоб мутолаасига жалб қилишдир. Миллий ва жаҳон классикаси дурдоналари, муваффақият, меҳнат ва эзгуликка рағбат ҳамда иштиёқка етакловчи роман, қисса, ҳикояларни ўқиб бериш, бу бўйича оила, маҳалла фаоллари, мактаб жамоат муассасаларининг зиёли вакиллари билан суҳбатлар ўтказиш, мутолаа кечаларини ташкил этиш, муайян асар мутолааси бўйича танловлар эълон қилиб, китобсевар ёшлар сафини кенгайтириш яхши натижа бериши аниқ.

Маънавий илдизлари мустаҳкам миллатни мағлуб қилиш қийин. Биз ҳар доим ҳам аждодларимиз заковати, юксак маънавиятидан фахрланиб келганмиз. Аммо бу билан эътиборсизликка берилиб бўлмайди. Ташқи таъсирлар турли кўринишда, турли кўламда хавф солиб турган дақиқаларда огоҳликни бир лаҳза бўлса ҳам сусайтирмаслик керак. “Боланинг бегонаси бўлмайди” қабилида ҳар биримиз миллат фарзандлари тақдирига беэътибор қарамаслигимиз, улар учун жон куйдиришимиз даркор.

**Чарос ҚУРБОНОВА**

**Чақалоқ дунёга келди. Табиийки, сиз унинг тезроқ улғайиб, кечалари йиғламайдиган бўлишини истайсиз. Бироқ шуни ёдда тутиш керакки, боланинг улғайиши дунёни, атрофдаги воқеаларни англаш, уларни идрок қилиш жараёни билан бирга кечади. Бу эса, фарзандингизнинг ҳар бир саволига тўғри жавоб бериш масъулияти Сизнинг зиммангизга тушди, дегани. Мурғак «одамча» учун ҳамма нарсанинг моҳияти, келиб чиқиш сабабларини англаб олиш жуда муҳим.**

**Саволларнинг мураккаблик даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. Нега ўнг қўлни «ўнг қўл» деб аташади? Болалар қаердан пайдо бўлади? Сув парилари борми? Фаришталарнинг уйи қаерда? Олма нимадан ясалади, ва ҳоказо. Кўпинча бу саволларга жавоб топиш учун катталар яхшигина бош қотиришига тўғри келади.**

**Болалар саволларининг жавобсиз қолиб кетиши, асосан иккита сабаб билан изоҳланиши мумкин. Биринчиси, ота-онанинг ўзи ҳам саволга жавобни билмаслиги бўлса, иккинчиси, жумбоқнинг ечимини тушунтирган билан, бу — бола онгига етиб бормаслиги ҳақидаги тахмин. Болани қийнаётган саволларга энг яқин инсонлари жавоб бера олмагач, унинг қай аҳволга тушиши ҳақида бир ўйлаб кўринг. Бу ҳол бола руҳиятида салбий ўзгаришларни вужудга келтириши ҳам мумкин.**




# «НИМА УЧУН?»НИНГ ЖАВОБИ НИМА?

### КУТИЛМАГАН, БИРОҚ АНЪАНАВИЙ САВОЛ

— Болалар ўзлари бераётган саволнинг моҳиятини тўлиқ англамаслиги, табиий. Сизнинг вазифангиз — масалага ойдинлик киритиш. Сиз саволнинг жавобини қизиқарли эртак тарзида ҳикоя қилиб беришингиз мумкин, ҳаётий ҳақиқатлардан узоқлашмаган ҳолда, албатта. Агар бола мураккаброқ савол берса, унга «Сен билишинг шарт эмас» ёки «Ҳали ёшлик қиласан» деб, уни силтаб ташласангиз, фарзандингиз руҳий тушкунликка тушиб қолиши, қалбидаги ҳиссиётларини сиз билан ўртоқлашмай қўйиши мумкин. Энг ёмони, кейинчалик у ўзини қизиқтирган масалалар юзасидан сизга эмас, ўртоқларига мурожаат қила бошлайди. Сизнинг эмас, уларнинг фикрини муҳимроқ деб ҳисоблайди, — дейди психолог О.Тарнаева.

### КИТОБ ЎҚИНГ, ОТА-ОНАЛАР!

5 ёшли болакай онасига савол берди: кенгурунинг «дадаси» ҳам халта бўладими? Кўпчилик бу саволга жавоб бера олмайди. Бунга саволнинг ҳаддан ортиқ мураккаблиги эмас, балки ота-онада унга жавоб бериш учун билимнинг етарли эмаслиги сабаб бўлади. Онанинг «Билмайман, бошимни қотирма! Овқатингни е» деган жавоби эса, оқилона эмас. Бундай муомала фарзандингизда «менинг ота-онам ҳеч нарсани билмайди», деган тушунчани шакллантириб қўйиши ҳеч гап эмас. Зоология китобини очиб, аниқ маълумотга эга бўлган ҳолда жавоб бериш эса айни муддао бўлур эди.

Телевизорда маърифий кўрсатувларни томоша қилишни ёқтирадиган, ҳайвонлар ва умуман, жонли табиат билан қизиқувчи болаларда кўпинча «Туялар саҳрода қандай яшайди?», «Нега филнинг хартуми бор?», «Нима учун ўргимчак ўз тўрига илиниб қолмайди?» ва шу каби бошқа кутилмаган саволлар тез-тез пайдо бўлиб туради. Уларга тўғри маълумот бериш учун сиз камида биология, астрономия, физика ва зоология фанларидан хабардор бўлишингиз керак. Жуда бўлмаганда, уйингиздаги энциклопедия сизни вазиятдан қутқариши мумкин.

Мутахассисларнинг кўп йиллик тадқиқотлари шуни кўрсатмоқдаки, «мураккаб» саволлар муаллифи бўлган болаларда келажакда маълум бир соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишиш имконияти анча юқори.

Саволларнинг охири кўринмайди. Ҳар куни камида 5-6 савол. Демак, фарзандингиз оламни идрок этаяпти, унда дунёқараш, табиат, инсонлар ва уларнинг туйғулари ҳақидаги тушунчалар тизими шаклланаяпти. Қолгани сизнинг беражак жавобларингизга боғлиқ.

**Тоҳир ИБРОҲИМОВ,**
**тиббиёт фанлари доктори**



***Бирор касбнинг ҳақиқий устаси ҳақида сўз борганда, «Ҳеч ким онасидан ўша касб соҳиби бўлиб туғилмайди», қабилида гапиришади. Бу, тўғри. Лекин Худо юқтирган билан ўрганиб эгаллаганнинг фарқи бор-да!***

***Журналистикада ҳам шундай. Ҳамма ёзган мавзуда ёзса ҳам, ўз сўзини айта оладиганлар бўлади. Жалолиддин шулардан бири. У ҳозир Хитойда Ланжоу университетининг Халқаро сиёсат факультетида ўқияпти. Эълон қилинаётган мақоласида Хитой мавзусига Хитойда туриб назар ташлагани Сизга ҳам қизиқ туюлиши мумкин. Яна унинг тарихдан, бугун жаҳонда рўй бераётган воқеалардан яхши хабардорлигини, уларга нисбатан ўзининг фикри борлигини сезасиз.***

***Яхши ижодкор шаклланишида оилавий муҳитнинг ўрни ортиқ бўлса бордирки, асло кам эмас. Жалолиддин бугунги кўплаб ижодкорларнинг устози, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Маҳмуд Саъдийнинг кенжа ўғли. Бу унинг ёзганларида: сўзга муносабатида, теран таҳлилида, нуктадон кузатувларида билинади.***

***Қайси соҳада бўлмасин, ўз принципига эга, билимдон шахслар кўп нарсага эришиши ва қадр топишини устозларимиз бир неча бор таъкидлашади. Жалолиддин Саъдинов ана шундай шахс бўлишга интилаётган ёшлардан. Унга мақсади йўлида толмаслигини тилаймиз.***

**Ҳусан КАРВОНЛИ**

# ХИТОЙ «УЙҒОНДИ...»

...Ёркин қизил ва сариқ ранглар, қовурилган каштан ёнғоғи ҳамда ҳар қанча ғалати туюлмасин, ёқимли, бироқ аллақандай газлар аралашмасидан ҳосил бўлган ҳид келувчи кўчалар, қурилиш кранларининг «шовқини» ва улар барпо этган баланд бинолар, доимо тиқилинч поездлар, кулимсираб юрадиган мўйсафид чоллар ва ўзини катталардек жиддий тутувчи болакайлар, ўта пишиқ сотувчилар... Булар бирбутунликда замонавий Хитойнинг ташқи кўринишини кўз олдимда гавдалантиради. Ҳар куни шаҳардан ташқарига — дарс машғулотлари ўтказиладиган университет корпусига қатнайдиган автобусга ўтирганимда йўлда учрайдиган Хуанхе дарёси, тоғнинг қоқ ўртасидан тешиб ўтган туннеллар, сиёсатдан мулоҳаза қилиб кетишни хуш кўрадиган кекса йўлдошлар ҳам шулар жумласидан...

Албатта, булар, Конфуций Ватани, 5 мингйиллик тарих ва Биринчи император Чин Шиҳуанди терракоталари, Буюк Девор барпо этилган, биринчи босма китоб, компасни яратган, илк марта фарфор, ипакни ишлаб чиқаришни ўйлаб топган Хитойни тасвирлашга камлик қилади. Аслида, Хитой — жуда катта мавзу, у ҳақда жуда кўп вақт гапириш мумкин. Кузатаверсангиз, бу ўлка ва унинг аҳолисига тегишли кўпгина характерли жиҳатлар намоён бўлади.

«Кузатув»ни кичик манзаралардан бошласам. Олайлик, чет элликни хитойликлар «ваигуорен» ёки «лаоваи» деб аташади. Яъни «ташқари» ёки, айтиш мумкинки, «чет мамлакат одами» ва «ташқаридаги», «четдаги» оғайни(ёки қария, деса ҳам бўлади)». Ҳа, биз — ўзбеклар тили билан қиёсласак, буннинг ҳеч қандай ажабланарли томони йўқ. Лекин «чет эллик» атамаси Европа халқларида, масалан, русларда бошқа шаклмаънони беради: «иностранец», яъни, тахминан, «бошқа ерлик» каби. Эътиборли тарафи шундаки, хитойликларда «бошқа» эмас, айнан — «ташқари» маъноси қўлланилган. Биз, фикримча, «чет эллик» атамасини тарихан Осиёнинг марказида жойлашганимиз учун ишлатганмиз. Хитойга келсак, бу борада муҳим нуқтани тилга олиш зарур. У ўзини ҳақиқатан ҳам дунёнинг Марказий, асосий давлати деб билади. Қолаверса, бу унинг номланишидан ҳам маълум: «Жонггуо»(«Ўртадаги давлат», «Марказий давлат»). Ер шаридаги географик жойлашув жиҳатидан ҳам Хитой дунёнинг ўртасидаги ўлка ҳисобланади. Бу ернинг одамлари учун «Дунёда Хитойдек давлат бор... Ҳа, айтгандек, унинг теварагида ҳам бошқа баъзи ўлкалар мавжуд».

Хитойликнинг ўзига бўлган бундай кучли ишончи тарихий-эволюцион илдизларга эга. Инсоният ривожланиши ва дунёдаги илк маъмурий давлатчилик тарихига назар солинг: хитойликларнинг бу борадаги мавжуд ютуқ-ҳиссалари жуда улкан.

Ўтмишдан маълум, Хитой кучайгани сари ерини ҳам имкони борича кенгайтиришга ҳаракат қилган. Бир манбада кузатгандим, унда шундай қараш бор эди: «Хитойликлар учун бутун дунё Уйдир. Чет элликлар эса, оддийгина «ҳали хитойлашмаган» одамлардир, холос(!)». Қолаверса, тарихдан маълумки, мазкур мамлакатга кўчиб келган бутун-бутун халқлар ёки бостириб кирган қудратли қўшинлар вақт ўтиши билан хитойлашиб, миллат сифатида йўқ бўлиб кетишган. Чингизхоннинг набираси Хубилайхонни эсланг: унинг бошчилигидаги мўғуллар Хитойда Юан сулоласига асос солиб, империя пойтахтини Қорақурумдан Пекинга кўчиришдию, бироқ кейинчалик шу ўлкада миллат сифатида ном-нишонсиз йўқолиб кетишди. Номини Хубилайхон Хонбалиқ деб ўзгартирган Пекин ҳам ўз номига қайтди...

Бугун Хитой қаддини ҳали тиклаганича йўқ. Унинг учун ҳали ҳамма олдинда. Зеро, Келажак ҳақида хитойликларнинг фақатгина ўзига хос, бошқа миллатларникидан тубдан фарқланувчи тарихий тушунчаси ва унга ёндашуви мавжуд. Улар учун Эртанги Кун бугунгисидан ёмонроқ, инқирозга яқинлашаётган Кун эмас, балки янги, Эҳтиёжларни қондирадиган, Имкониятларни очадиган Кундир...

Хитойликлар бошқа халқлардан келадиган деярли барча техник ва бошқа моддий янгиликларни тез ўзлаштириб оладилар, ҳаётга татбиқ эта оладилар, бироқ Четнинг маданияти ва турмуш тарзини жуда қийин ҳазм қиладилар. Тўғри, улар сизнинг маданиятингиз, тилингиз, юриш-туришингизга қизиқиш билан қарашади, айтайлик, кўчада юрсангиз ёнингизда кетаётган хитойликларнинг сизга қаратилган, негадир ажабланган нигоҳини сезасиз. Бирор жойга борсангиз, олдингизга келиб турли саволларга тутишади ва ҳоказо. Бироқ буларнинг ҳаммаси оддийгина қизиқиш, холос...

Ўз вақтида Наполеон Бонапарт Жаҳон ҳамжамиятига қарата: «Хитойни уйғотманг!» деб кетган экан... Бироқ... Бир вақтлар мус-

*Va'da*

Бундан натижа бўлмаганидан сўнг, Американинг «Ford»ига тегишли Швециянинг «Volvo»сини сотиб олиб, немисларнинг қимматбаҳо люкс-автомобиллар ишлаб чиқарувчи «Майбач» корпорациясини сотиб олишга тайёр эканликларини эълон қилдилар...

Жорий жаҳон иқтисодий инқирозида Хитой улкан ютуқлари билан бутун дунёни ҳайратда қолдирмоқда. Ҳозирги қалтис даврда кўпгина давлатлар илгариги «Бутунжаҳон қалбаки маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи марказ» — Хитойда ўзининг Халоскорини кўрмоқда. Қолаверса, АҚШнинг Global Language Monitor таҳлилчилари Хитой иқтисодиётини собиқ ўнйиллик(2000—2010)нинг энг асосий воқеаси деб эълон қилдилар. Қайд этиб ўтиш лозимки, мазкур «рейтинг»да Ироқ ва Афғонистон урушлари, «Қонли 11 сентябрь», 2008—2009 йилларидаги Глобал иқтисодий рецессия Хитой иқтисодий «портлаши»дан

тамлакачилар томонидан хорланган, ўз юртидаги дарвозаларда «Итлар ва хитойликларга кириш ман этилади!» деган ёзувни ўқишга мажбур бўлган миллат «уйғона бошлади»...

Таниқли рус иқтисодчиларидан бири А.Н.Анисимовичнинг келтириши бўйича, «Хитой ҳозирда, реал иқтисодий сектор ҳажмидан олиб қараганда, «Марказий давлат»га айланди». Яна унинг таъкидларини келтириб ўтиш жоиз: «Бу борада у АҚШни аллақачон ортда қолдирган. Худди АҚШ ўз вақтида, Биринчи Жаҳон урушида иқтисодий салоҳияти орқали собиқ «Дунё Эгаси» Буюк Британия империясини мағлуб қилганидек. Яна, бу осон ва шовқинсиз — АҚШ собиқ СССР билан курашаётган бир вақтда, ундан сўнг, бутун жаҳон бўйлаб «демократия ёювчиси» ролини ўйнаётганида рўй бериб ўтди.

Бугунги кунда Ислом ва Европа-Америка цивилизацион системалари бир-бири билан курашаётган пайтда ХХР ҳам худди шундай, табиий равишда, бу курашнинг ниҳоясидан қатъи назар, ғолиб давлатга айланиб қолмоқда».

Дарҳақиқат, Хитой тарихида кузатилган ўзига хос «хронологик» давр келганга ўхшайди: муайян вақтдаги танаффусдан сўнг, бу мамлакат яна ўзининг тарихий ўрнига қайтаяпти. Жаҳон ҳамжамиятида бу борада кўплаб баҳс ва фикрлар туғилмоқда. «Guardian» ва «New Statesman»нинг таҳлилчиси Мартин Жакнинг «Янги давр Хитойнинг кучаюви ва АҚШнинг инқирозини башорат қилаяпти» версияси асосига қурилган «Хитой Жаҳонни бошқарганда» бэстселлер китоби ҳам бу баҳсларнинг кичик бир қисмини ўзида ифодалайди.

Жаҳон иқтисодий инқирози сабабли йирик-йирик корпорациялар банкротлик эълон қилаётган бир пайтда, хитойликлар Британиянинг обрўли Mr Rover автокорпорациясини сотиб олгач, АҚШнинг «Hammer» авто-брендини ҳам харид қилишга уриндилар.

кейинги ўринларда турибди. «The Daily Telegraph»нинг келтиришича, «Global Language Monitor»нинг президенти Пол Пейек бу борада шундай деган: «Хитойнинг янги иқтисодий чўққиларни забт этиши Дунёдаги Халқаро — глобал ҳаётга таъсир қилаяпти ва Хитой ўз қудрати билан бундай системанинг Реформатори ролини бошқармоқчи эканини эълон қилмоқда...».

Умуман, Хитойнинг бугун эгаллаётган чўққилари кўп. Уларни узоқ давом эттириш мумкин. Шу билан бирга, бундай натижаларнинг сабаблари ҳам бисёр.

«Биз миллионлармиз, бироқ қалбан ягонамиз» — ХХРнинг давлат мадҳияси(нашидаси)да учрайдиган бу сўзлар, фикримча, хитойликларнинг бугунги ютуқлари илдизларини ўзида ифода этади. Ҳа, бугунги Хитой фақат давлат ҳаракатининг натижаси эмас, балки салкам 1 ярим миллиард одамдан иборат халқнинг саъй-ҳаракатлари ҳам мевасидир. Катта авлод ўзининг 70-80 ва ҳаттоки, 90 ёшига қарамай, эрта тонгда бадантарбия қилиб юрганини ёки Хитой фалсафаси бўйича бахт ва соғлик уйғунлигига эриштирувчи «Таижичуан» спорти билан шуғулланаётганини кўриб, «Кекса Хитой» ҳеч қачон қаримаслигига амин бўласиз. Дўконларда бирор-бир китобни сотиб олишга пули етмаса, бинода қолиб, зинапояларда ўтириб шу китобни мутолаа қилаётган хитойликка қараб, Хитойнинг ривожи қуруқ омаддан иборат эмаслигини биласиз. Айнан шундай мутолаага ҳам йўл қўйилганини кўриб, қойил қоласиз. Тан олиш керак, ажабланарли ҳолат: кичик имтиҳондан ўтолмаганидан йиғлаётган талабани учратганингизда ёки уч-тўрт қаватли катта кутубхоналарда дарс қилишга бўш жой тополмаганингизда ХХРнинг бугунги ютуқлари сабабини топасиз...

**Жалолиддин САЪДИНОВ,**
**Ланжоу университети талабаси**




## НОЁБ СУРАТЛАР ЎҒИРЛАНДИ

Париждаги замонавий санъат музейидан беш нафар таниқли рассомнинг асарлари ўғирлаб кетилган. Уларнинг умумий баҳоси 500 миллион еврога баҳоланмоқда, деб эълон қилди inline.ru электрон манбаси.

Маълумотларга қараганда, номаълум шахслар тунда темир девор қулфини бузиб, бино ойнаси орқали ичкарига кирган. Эрта тонгдан ишга келган ходимлар эса машҳур рассомларнинг бир нечта сурат йўқолганини аниқлашган. Хусусан,



Пабло Пикассо («Яшил дончали каптар»), Анри Матисса («Пастораль»), Жорж Брак («Эстак яқинидаги зайтунзор»), Амедео Модильяни («Елпиғичли аёл») ва Фернан Леженинг («Шамдонлар натюрморти») юксак санъат асарлари музейдан олиб чиқиб кетилган.

Ҳозирча ушбу санъат асарлари ким томонидан ўғирлангани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ.

## 2700 ЙИЛЛИК ЁДГОРЛИК

Мексика жанубидаги қадимий Чиапа-де-Корсо манзилгоҳида қазилма ишларини олиб бораётган археологлар ғайриоддий сағанани аниқлашган. Тадқиқотчилар раҳбари Брюс Бэйчендинг «Нью-Йорк таймс» газетасига берган интервьюсида айтилишича, қадимий қабр бундан 2700 йил олдинги даврга оид. Бу эса топилма Марказий Америкадаги шу кунгача маълум бўлган барча пирамидалардан ҳам «кекса» деганидир.



Сағана бир томондан тош, қолган тарафдан лойли девор билан ўралган. Мутахассислар бундай қурилиш усули фанга маълум Америка қитъасининг мезозой даври маданиятига ҳам хос эмаслигини таъкидлашган. Қадимий пирамидага иккита эркак, битта аёл ва ёш бола дафн қилинган, деган тахминда топилмалар устида изланишлар давом эттирилмоқда.

Хронологик ва географик нуқтаи назардан олиб қараганда, ушбу қабрлар ольмек, сапотек, майя ва соке қабилаларига тегишли бўлиши мумкин. Профессор Бэйченд сағана соке маданиятига оид, деган фикрда. Аммо сўнгги археологик ва антропологик тадқиқотлар қадим ўтмишда бу ҳудудда параллел равишда ривожланган бир нечта қардош маданиятлар бўлган, деган фикр ҳақиқатга кўпроқ яқинлигини кўрсатмоқда.

## СОҒЛИҚҚА ЗАРАРИ БЎЛМАГАН ТЕХНОЛОГИЯ

Бир гуруҳ хитойлик олимлар маълум кичик доирада ишлайдиган симсиз технологияларнинг ўрнини босувчи янги намуна ишлаб чиқишганини маълум қилди. «Синьхуа» ахборот агентлигининг хабар беришича, бунда улар радиотўлқинлар ўрнига нур таратувчи диод(радиолампа)лардан фойдаланишган.

Симсиз оптик тармоқнинг бундай тизимини уй, ташкилот ва корхоналарнинг ёритиш тизимига улаш мумкин. Хитой Фанлар академияси қошидаги Ярим ўтказгичларни ўрганиш институти ходимлари мазкур ишланмани муваффақиятли намойиш этишди.

Жараёнда кўк нурли диодлардан фойдаланилди. Унда Wi-Fi ускунаси ўчирилган ноутбук секундига 2 мегабит тезликда турли шаклдаги (матн, мусиқа, видео файллар каби) ахборотлар алмашиниши мумкинлигини кўрсатди. Яна бир эътиборли томони шундаки, маълумотларни бундай оптик йўл билан узатиш Wi-Fi ускунасининг инсон соғлиғига зарари тўғрисидаги мунозараларга чек қўяди. Нурли диодлар эса шу даражада тезлик билан милтиллайдики, оддий кўз билан қаралганда улар шунчаки ёниб турганга ўхшайди. Уларнинг бундай ишлаши кўзнинг зўриқишига ҳам йўл қўймайди.




## СУНЪИЙ МУСКУЛ ТОЛАСИ ЯРАТИЛДИ

Канада ва АҚШ олимлари томонидан оқсил молекулаларидан табиий мускул толалари каби эгилувчанлик ва чидамлилик хусусиятларига эга полимер материал яратилди. Эътиборлиси, янги турдаги модда техника ва тиббиёт соҳаларида қўлланилиши кўзда тутилмоқда. Бу ҳақда «Мэдикал эксперт» хабар берди.

— Мақсадимиз мушакларни тиклаш(регенерация)да муҳим ҳисобланган янги биоматериалдан самарали фойдаланишдир, — дейди Виржиния политехника университети вакили Дэн Дюдек.

Янги ишланма муаллифларининг фикрича, зарарланган мушак тўқималарини тиклаш жараёнида организм толалар ўртасида ўзига хос имплантант «кўприк» вазифасини ўтайди. Табиий тўқималар тикланиши жараёнида аста-секинлик билан парчаланиб, уларга ўрнини бўшатиб боради.



Шу билан бирга, мазкур ишланма табиий материалларни синтетик шаклда яратиш борасида улкан қадам ҳам бўлди. Мутахассисларнинг маълум қилишича, инсон организмида титин оқсили ёрдамида ҳосил бўладиган маълум турдаги мускул тўқимаси бўлади. Оқсил туфайли бу тўқима ҳаракат натижасида мускуллар тортишганда юқори даражадаги эластиклик ҳолатини сақлаб қолади. Оқибатда мушаклар шаклан ўзгарганда ҳам уни машқлар ёрдамида асл ҳолатига қайтариш имкони бўлади. Ўз навбатида синтетик биоматериаллар табиий тўқималардан фарқли равишда фақат битта, аниқроғи, кичик зўриқишлардагина эластиклик ҳолатини сақлаш хусусиятига эга бўлиб, босим остида синалганда эса парчаланиб кетарди.

Охирги изланишлар пайтида тадқиқотчилар мушакнинг табиий хусусиятларига эга сунъий материални молекуляр даражада ишлаб чиқиш асосида яратиш мумкинлигини намойиш қилдилар. Шунингдек, улар мазкур усул билан яна қатор полимер материаллар ишлаб чиқилиши эҳтимоли баланд эканини таъкидлашмоқда.

## СУДРАЛИБ ЮРУВЧИЛАРГА ХАВФ ТУҒДИРАДИ



Бугун сайёрамизда кузатилаётган глобал исиш жараёни туфайли 2080 йилга келиб калтакесакларнинг кўпайиш кўрсаткичи дунё миқёсида 39 фоизга камайиши ва ҳар 5 турдан биттасининг йўқолиб кетиши хавфи бор экан. Калифорния университетининг эволюция соҳаси биологи Барри Синерво бошчилигидаги халқаро олимлар гуруҳи шундай хулосани тақдим этишди, деб ёзади «Сайнс» илмий журнали.

Ачинарлиси, агар ҳавога карбонат ангидрид гази чиқарилишини камайтиришда энг яхши кўрсаткичга эришилганида ҳам 2050 йилга келиб, Ер юзидаги калтакесакларнинг 6 фоизга камайиб кетиш хавфи мавжуд экан. Биргина мисол: 1975 йилдан то бугунги кунгача иқлим ўзгаришлари туфайли тиканли Мексика игуанаси (Sceloporus) тури вакиллари 12 фоизга камайган.

— Аслида мазкур хулосанинг аҳамиятли томони шундаки, судралиб юрувчилар шу пайтгача иссиқликка анча чидамли, деб жараёнда эътибордан четда қолиб келаётганди, — дейди етакчи эволюцион физиолог Реймонд Хьюи.

Қизиғи, аввалига профессор Синерво судралиб юрувчиларнинг камайиши сабабларини ўрганмоқчи эмас эди. Аслида у тухум очмай болалайдиган Lacerta vivipara калтакесак тури мисолида эволюцияда ранг-тус ўрнини тадқиқ этаётганди. Лекин мутахассис ушбу жонивор яшайдиган Франция, Италия, Словения ва Венгрия каби мамлакатларга илмий экспедицияси пайтида бирорта ҳам калтакесак тополмаган. Бир неча муддатдан сўнг эса олим тиканли игуананинг ҳам йўқолаётганини аниқлади. Сўнг вазиятни глобал миқёсда ўрганиш учун олимлар гуруҳи шакллантирилди. Уларнинг изланишлари натижаси ўларoқ, калтакесакларнинг барча қитъаларда камайиб кетиши тез суръатларда кечаётгани амалда ўз тасдиғини топди.

Ҳозирда бу турдаги калтакесаклар йўқолиши ҳолатининг экологик оқибатлари ҳали тўлиқ аниқланмагани боис мазкур йўналишдаги изланишлар давом эттирилиши режалаштирилган.

## БАКТЕРИЯ — ТОЗАЛАШ ВОСИТАСИ

Илк бора олимлар баъзи бактериялар бирон-бир геологик жинс ҳисобига умргузаронлик қилиши мумкинлиги ҳақида маълум қилдилар. Эндиликда қатор масалаларга ўзгача ёндашиб, ҳал этиш имконияти туғилади. Аниқроғи, бактериялардан электр токини ишлаб чиқариш ва ҳудудларни чиқиндилардан тозалашда фойдаланиш мумкин бўлади. Бу ҳақда mignews.ru манбасида маълум қилинди.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, келгусида бактериялар асосида ишлаб чиқиладиган янги технологиялар «биобатарея», шунингдек, нефть ёки уран чиқиндилари билан ифлосланган ҳудудни тозалаш ускуналари сифатида қўлланилиши режалаштирилмоқда.

— Аслини олганда, бу изланиш ер қаъридаги бактериялар билан кечадиган жараёнларни кенгроқ ўрганишга туртки бўлди, — деди лойиҳа раҳбари, биолог профессор Дэвид Ричардсон. — Янгилик муҳим биотехнологик аҳамиятга ҳам эга. Чунки атроф-муҳитни радиактив металлар ёки нефть каби заҳарли органик моддалардан тозалаш учун хизмат қилиши мумкин.

Айтиш зарурки, сайёрамизда инсонлардан фарқли равишда кислородсиз яшай оладиган микроорганизмлар жуда кўп. Бактериялар айнан шундай организмлардан бири бўлиб, уларнинг баъзи турлари ер қаърида геологик жинслар, хусусан, темирдан «нафас олиб» яшаши кузатилади. «Темир билан нафас олиш» номини олган ушбу жараён муҳим экологик аҳамиятга эга. Ричардсоннинг айтишича, кислородсиз яшайдиган бактериялар ўзига хос биологик симлар ҳосил қилиб, ер ости қазилмаларидан электронларни ажратиб олиш имкониятини беради. Бу бактерия туфайли минераллардаги зарядларни йиғиб, уни электр токига айлантириш мумкин.



**Н. РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.**

# ИЛМ АҲЛИГА ЭҲТИРОМНИ УСТОЗДАН ЎРГАНДИМ

**Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида шундай сатрлар мавжуд: «*...ўз пешона тери билан ҳалол турмуш кечирадиган инсон ҳаётидан мамнун ва рози бўлиб, қалби ва юраги осойишта, виждони пок, руҳий олами барқарор бўлиб, элнинг ҳурматини қозониб яшайди*». Самарқанд давлат университети ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор Суюн Каримов ҳам ана шундай ҳалол, ибратли ҳаёт кечирмоқда.**

Раҳматилла Қўнғуров асос солган Самарқанд стилистика мактабининг бугунги кундаги фаоллиги профессор Суюн Каримов ва унинг шогирдлари фаолияти билан боғлиқдир. Устознинг жонкуярлиги ва саъй-ҳаракатлари натижасида кўп йиллардан буён мамлакатимиз илмий жамоатчилиги орасида Самарқанд стилистика мактаби ўз обрў-эътиборини сақлаб келмоқда. Профессор Суюн Каримов илмий ижодининг катта қисми ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданиятининг долзарб муаммоларини ҳал этиш ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиш жараёнини яхшилашга, талабаларни истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий камолотини янада юксалтириш, умуман, баркамол авлодни шакллантиришга қаратилган.

Устоз одамийлик ва олимликни ўзида мужассам этган етук инсондир. Бунга у кишининг ҳаёт йўли яққол далил бўла олади.

С.Каримов СамДУ қошида 1978-1982 йилларда аспирантурани ва 1991-1993 йиллари докторантурани ўтаб, 1983 йили «Зулфия поэзиясининг тили ва услуби» мавзуида номзодлик ва 1994 йили «Ўзбек тилининг бадиий услуби» мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади.

Устоз 200га яқин илмий, илмий-методик ва илмий-оммабоп мақолалар ҳамда «Зулфия поэзияси тилининг луғати», «Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти. Библиографик кўрсаткич», «Бадиий услуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари», «Нутқ маданияти ва давлат тилида иш юритиш», «Юристнинг нутқ маданияти», «Ғафур Ғуломнинг поэтик маҳорати», «Тилшунослик назарияси» сингари йигирмага яқин алоҳида нашрлар (монография, ўқув қўлланмалари, луғат, библиографик кўрсаткич ва ҳ.к.) муаллифи ва ҳаммуаллифидир.

Устоз 1994 йилдан ҳозиргача ўзбек тилшунослиги кафедраси мудири вазифасида меҳнат қилиб келмоқда. Бугунги кунда жамоатчилик асосида «Шаҳидлар хотираси» республика жамғармаси Самарқанд вилоят бўлимига раислик ҳам қилмоқда.

Устоз етук тилшунос олим бўлиш билан бирга, оддий, камтарин, бағрикенг, жонкуяр, меҳрибон ва жуда талабчан. Мен бир шогирд сифатида устознинг Устозига эҳтироми ҳақида алоҳида тўхталишни истайман. Устоз ҳамиша талабаларга, шогирдларига, фарзандларига ота-онани, устозни улуғлашни бот-бот таъкидлайди. Ҳар гал учрашганимизда, сафарлар давомида ҳамиша, қандай шароитда бўлмасин ўз устозлари Раҳматилла Қўнғуров (жойлари жаннатда бўлсин) ҳаётидан, у киши билан суҳбатларидан, қизиқ-қизиқ воқеалардан мисоллар келтиради, устозни эслашдан чарчамайди. У биз шогирдларни шу йўсинда тарбиялаётганларини англагандай бўламан. Устознинг устозига садоқати ва муҳаббатини кўриб ҳайратланамиз, ўрнак олишга интиламиз.

Устознинг ҳар бир шогирд билан самимий, чин дилдан суҳбатлашиши, кези келганда, қаттиққўллик билан талаб қилиши уларнинг меҳнаткаш бўлишига кўмак беради. Ҳар биримизнинг тадқиқот мавзуимиз домланинг доимий диққат марказида туришини кунора ўқишимиз лозим бўлган адабиёт ёзилган картотека қўлимизга текканда ҳис қиламиз. Устоз биз билан баб-баравар ташвиш чекади, қайғуради, ўрни келганда бирга-бирга югуради ҳам. Бундай бағрикенглик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Мамлакатимизнинг қай гўшасига бормайлик, Самарқанд тилшуносларининг сардори — «Шуҳрат» медали соҳиби Суюн Каримов меҳридан, яхшилигидан баҳраманд бўлган инсонлар қучоқ очиб кутиб олади. Ана шундай дамларда бу инсонга шогирд бўлганимдан беадад фахрланаман.

**Азамат ПАРДАЕВ**

Ustoznoma

***Ҳаёт — жуда қизиқ, шу билан бирга мураккаб ҳам. Умр лаҳзалардан поён билмас сарҳад ясайди. Шу ҳақда фикрлай туриб, баъзан узоқ ўйга толаман. Хаёлларим мени талабалик йилларимга етаклайди. Талабалик даврингизни эслаганда илк бора хаёлингизга ким ёки нима келади? Менинг эса доимо устозларим кўз олдимда гавдаланишади. Улар орасида бир инсон борки, барча талабалар қалбида самимийлиги билан бошқача из қолдирган. Қаландар Сапаевнинг ўқитувчилик фаолияти билан бирга мазмунли ҳаёт йўли ҳам инсонларга ибрат қилишга ўн чандон арзийди.***

# САМИМИЙ ВА ДИЛКАШ ИНСОН

...Тўғрисини айтсам, талабаликнинг илк босқичида шу домладан жуда қўрқардик. Чунки наздимизда ўта қаттиққўл ва жаҳлдор эди-да. Кейинчалик устознинг ўзига хос фазилатларга эга инсон эканлигини англаб етдик. Унда ҳеч кимга ўхшамайдиган ажойиб хислатлар бор. Дарсларга кеч қолсак, роса уришиб, койирди. Аммо бу койишлар замирида ранжитиш ва кўнгилни оғритиш эмас, бизга бўлган ғамхўрлик ётишини ич-ичимиздан ҳис этганмиз...



Қаландар Сапаев 1940 йили Хоразм вилояти Ҳазорасп туманида таваллуд топган. Олий таълимни Тошкент давлат педагогика университетида олиб, Ҳазорасп туманидаги ўрта мактаблардан бирида она тили ва адабиёти фанидан ўқувчиларга дарс бера бошлайди. Илмий иш қилишга, илм уммонидан дурлар териб, фан ва соҳа тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга интилган Қаландар ака изланишда давом этаверди. Олдинига Тошкент давлат чет тиллари институти (ҳозирги ЎзДЖТУ)нинг «Ўзбек тили» кафедрасида, 1970 йилдан эса, ТДПУ «Ўзбек тилшунослиги» кафедрасида ишлай келмоқда. Маълум муддат Ўзбек тили ва адабиёти факультети декани, шунингдек, кўп йиллар давомида ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари лавозимларида ишлаб, ўзининг моҳир педагог, яхши раҳбар ва меҳрибон устоз эканлигини намоён этди.

Қаландар ака 1984 йили «Ўзбек тилининг қурилиш терминологияси» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб, 1989 йили доцент унвонини олишга муваффақ бўлди.

Айни пайтда талабаларга дарс бериш билан бир қаторда, улар учун ўқув адабиётлари яратиш устида ҳам иш олиб бормоқда. «Ўзбек тили (морфемика, сўз ясалиши, морфология)» номли ва бошқа ўқув қўлланмалари домланинг илмий изланишлари самарасидир. Яқинда эса, профессор Ҳ.Жамолхонов билан ҳамкорликда магистрларга мўлжалланган «Имло муаммолари» номли ўқув қўлланмаси ҳам чоп этилди.

Изланиш ва меҳнат, фан тараққиёти учун қилган жонкуярлигини муносиб баҳолаб университет илмий Кенгаши томонидан Қ.Сапаевга профессор илмий унвони ҳам берилди. Қаландар ака кўп йиллик иш фаолиятида шундай ютуқларга эришган бўлса, ҳаёти давомида эса, кўплаб инсонлар меҳри, ишончи, муҳаббат ва садоқатига сазовор бўлиб, юзлаб шогирдларнинг қалбидан жой олди. Менимча, инсоннинг энг катта ютуғи ана шунда бўлса керак. Демак, Қаландар ака дунёдаги энг бахтли, энг омадли инсонлардан бири.

Ҳозирги кунда университетнинг «Таҳрир ва нашр» бўлимига раҳбарлик қилиб келаётган Қаландар ака доимо устоз ва шогирдлари эъзозида. Гарчи университетда «қаттиққўл устоз» деган таъриф билан ном қозонган бўлса-да, барибир оққўнгил ва меҳрибон инсон сифатида биз шогирдларга меҳр нурларини таратаверади.

**Наргиза ЭРГАШЕВА,**
**Мирзо Улуғбек туманидаги 248-мактаб ўқитувчиси**

**Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби 2010—2011 ўқув йили учун 2-синфларга танлов асосида қабул эълон қилади.**

E'lon

Кириш синовларида қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак:
1. Директор номига ариза
2. Баҳолар табели (нусхаси)
3. Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси
4. Тиббий маълумотнома-086
5. Фото 3х4 6 дона
6. Турар-жойидан маълумотнома
7. Психологик-педагогик ташхис дафтари асосида ўқувчининг қизиқишлари, ўқув фанларини ўзлаштириши ҳақида тасдиқланган тавсифнома
8. 1та файл папка

Ҳужжатлар 2-синфлар учун 31 майгача қабул қилинади.

Кириш синовлари тест кўринишида ўтказилади.

**Манзил: Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли, 71-уй.**
**Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби.**
**Қўшимча маълумотлар учун телефон: 267-18-10**

**2010-2011 ўқув йили учун чоп этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик адабиётларни жойларга (умумтаълим мактабларигача) етказиб бериш бўйича Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказилган Тендер савдоларида «Ўқув таълим-таъминот» Давлат унитар корхонаси ғолиб деб топилди.**

**Тошкент шаҳар «Tashabbus» тиббиёт маркази фаолияти тугатилганлигини маълум қилади.**

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чимбой кўчаси, Талант проезди, 3-уй.**

*Bu yilgi Osiyo chempionati uchrashuvlari «Paxtakor» va «Jar» futbol maydonlarida bo'lib o'tishi rejalashtirilgan. Eslatib o'tamiz, ushbu ko'rikning yarim finaligacha yetib borgan to'rt terma jamoa kelasi yili Meksikada o'tkaziladigan jahon chempionati yo'llanmasi sohibiga aylanadi.*



# ҒАЛАБАГА ИШОНЧ КАТТА

*«Universiada-2010»*

**«Универсиада» мусобақалари талабалар ўртасида уларнинг спортдаги келгуси фаолиятига йўлланма берувчи мусобақа сифатида эътироф этилади. Навоий давлат кончилик институтида ҳам ушбу беллашувларга тайёргарлик ишлари юқори даражада ташкил қилинган. Бу талабаларга спорт билан шуғулланиши учун яратилган шарт-шароитлар мисолида аниқроқ кўзга ташланади.**

Айни кунларда ушбу олий ўқув даргоҳи талабалари спорт мусобақаларининг финал босқичига қизғин тайёргарлик машғулотларини олиб бормоқда. Ёшларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши учун кенг йўл очиб берилган. «Универсиада—2010» спорт мусобақаларининг финал босқичида иштирок этиш учун институт спортчи талабаларининг кўпчилиги йўлланма олди. Жумладан, теннис, сузиш, дзюдо, кураш ва белбоғли кураш жамоаларининг спортчи талабалари ҳозирги кунда тайёргарлик машғулотлари билан банд.

Бундан ташқари, Навоий кон металлургия комбинатига қарашли «Сўғдиёна» спорт мажмуаси мураббийлари ҳам сузиш, теннис, енгил атлетика ва дзюдо бўйича машғулотларга жалб қилинган бўлиб, уларнинг ёрдами туфайли бир қатор ютуқларга эришиб келинмоқда. Шунингдек, бу йили спорт мусобақасида сузиш бўйича П.Ромашкин, Д.Тулупов, И.Назаров, А.Филинов, А.Кунакбаев, дзюдо бўйича А.Баротов, Ж.Бекматов совринли ўринларга даъвогарлик қилишмоқда.

Уларнинг қизғин тайёргарликларини кузатиб, бу йилги «Универсиада» ўйинлари муросасиз курашларга бой бўлишига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

**Зокир ТОҒАЕВ,
Навоий давлат кончилик институти,
кимё металлургия факультети
декан муовини**

# РУҲИЙ ТОБЛАНИШ — МУҲИМ ЖАРАЁН

**Спортчини майдон тоблайди. У томошабинлар, ишқибозлар қувончи билан шукуҳли. Мухлис ишончини қозониш эса улкан масъулият. Уни чин юракдан ҳис қилган, муносиб бўлишга интилганларнигина ҳақиқий спортчи дейиш мумкин. Шу маънода умидли ёш спортчи Шамсиддин Эгамбердиевнинг спорт оламига қадам қўйишида «Умид ниҳоллари-2002» мусобақалари катта аҳамият касб этди.**

— Бу мусобақа мен учун улкан маҳорат мактаби бўлди. Мағлубиятдан керакли хулоса чиқариш ғалабанинг пойдевори ҳисобланади. Шундай чоғда атрофдагиларнинг руҳий далдаси фақат ғалаба сари интилишимга сабаб бўлди. Бир йиллик тинимсиз меҳнат ва ҳаракатларим туфайли Хоразмда ўтказилган «Умид ниҳоллари-2003» мусобақаларида 3-ўринни эгалладим. Чинакам ғалаба нашидасини дастлаб 2004 йили Андижон вилоятида ўтказилган Ўзбекистон кубогида олтин медаль совриндори бўлганимда туйдим, — дейди Шамсиддин Эгамбердиев.

Интилганга толе ёр, деб бежиз айтилмаган. Изланиш ва интилишларининг самараси ўлароқ, Шамсиддин 2005 йили Бухорода ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 1-ўринни, 2009 йилнинг октябрида Тошкентда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида 60 кг. вазн тоифасида фахрли 2-ўринни эгаллади.

Шамсиддин ҳозирда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти яккакураш бўлимининг 3-босқич талабаси. Устозлари — Нуржан Дастанов, Шавкат Мирзақулов, Зоҳид Ортиқов қўлида спорт сирларини пухта эгаллаб келмоқда. Спортдаги ғалабаларининг сири мунтазам машғулотлар ўташ ҳамда мураббий ўгитларига амал қилишда, деб ҳисоблайди.

— Келажакда белбоғли кураш бўйича мураббийлик қилиб, истеъдодли шогирдларни тайёрлаш энг катта орзуим. Биз кўплаб мусобақаларда дўстлар орттирамиз. Улар билан яқиндан танишиб, фикр алмашиш учун тил билиш керак. Ҳозир спортдан бўш вақтимда чет тилларини ўрганиб, замонавий ахборот технологияларидан сабоқ оляпман. Ахир, бир йигитга қирқ ҳунар ҳам кам деб бежиз айтишмаган.

**Заҳро ТЎРАЕВА,
Гулрух ЖЎРАЕВА**

*Osiyo chempionati-2010*

**Бундан икки йил олдин пойтахтимизда футбол бўйича ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионати бўлиб ўтганди. Ёдингизда бўлса, ўшанда учрашувлар Тошкентдаги икки стадионда — “Пахтакор” марказий ўйингоҳи ва МҲСК майдонида кечганди. Ҳал қилувчи баҳсда Жанубий Корея ва Эрон терма жамоаси ўзаро куч синашиб, эронликларнинг қўли баланд (2:1) келганди.**

# ТОШКЕНТ ЯНА МЕЗБОН

Жорий йил 24 октябрида бошланиб, 7 ноябрь куни ўз ниҳоясига етувчи мазкур қитъа биринчилигида анъанага кўра, 16 мамлакат терма жамоаси қатнашади. Яқинда ана шу жамоаларнинг ўз гуруҳларини ва ундаги рақибларини аниқлаштириб берувчи қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Унга кўра, мезбон ҳисобланган ватандошларимиз тўғридан-тўғри **«А» гуруҳи**дан ўрин олишди, рақибларимиз эса бирма-бир маълум бўлди: Тожикистон, Иордания ва Индонезия.

Осиё футболи мутасаддиларига Ўзбекистон ҳукумати томонидан футболни оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар хуш келиб, навбатдаги Осиё чемпионатини ҳам бизнинг диёрда ўтказиш таклифини киритди. Чиндан ҳам кейинги йилларда юртимизда биргина футболга эмас, бошқа спорт турларини ҳам ёшлар ўртасида кенг ёйиш ва шу орқали соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, навқирон авлодни маънан ва жисмонан етук қилиб тарбиялашга катта эътибор қаратилмоқда.

Осиёнинг амалдаги чемпиони Эрон терма жамоаси эса **«В» гуруҳи**даги Сурия, Корея Халқ Демократик Республикаси ва Уммон ўсмирларининг қаршилигини енгиб ўтишига тўғри келади.

Ҳозирданоқ гуруҳдан кейинги босқичга кимлар йўл олишини иккиланмасдан айтиш мумкин бўлган **«С» гуруҳига** Япония, Австралия, Шарқий Тимор ва Вьетнам жамоалари жойлашди.

Кўпчилик мутахассису мухлислар биринчиликнинг ўзига хос “ўлим гуруҳи” дея атаётган **«D» устуни**да Бирлашган Араб Амирликлари, Ироқ, Хитой ҳамда Кувайт ўсмирларидан иборат терма жамоа номлари қайд этилди.

Бу йилги Осиё чемпионати учрашувлари «Пахтакор» ва «Жар» футбол майдонларида бўлиб ўтиши режалаштирилган. Эслатиб ўтамиз, ушбу кўрикнинг ярим финалигача етиб борган тўрт терма жамоа келаси йили Мексикада ўтказиладиган жаҳон чемпионати йўлланмаси соҳибига айланади.

**Зоҳиджон ХОЛОВ,
“Ma'rifat” мухбири**



***Ҳурматли Абдували ака!***

Сизни қутлуғ 60 ёшингиз билан чин дилдан самимий муборакбод этамиз. Таҳририятнинг Қашқадарё вилояти бўйича махсус мухбири сифатида таълим тизимидаги янгиликларни, ислоҳотларни газетхонларга етказишда ўз ҳиссангизни қўшиб келмоқдасиз.

Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, келгусидаги ишларингизда зафарлар, ижодий фаолиятингизда янада улкан ютуқлар тилаймиз. Ҳамиша фарзандларингиз камолини кўриб юринг.

**“Ma'rifat—Учитель Узбекистана” газеталари таҳририяти жамоаси**

# XORIJDA SPORT

## «СЕВИЛЬЯ» — ИСПАНИЯ КУБОГИ ЭГАСИ



**Футбол бўйича Испанияда ўтказилган “Қироллик кубоги” (Копа дел Рей) финал учрашувида «Севилья» ҳамда жорий йилда Европа Лигасида зафар қучган “Атлетико Мадрид” жамоалари куч синашди.**

Диего Форлан жамоаси ўз совринлари сонини иккитага етказиб олиш имкониятини бой берди. Баҳслар давомида “Барселона”ни икки учрашув натижасига кўра ортда қолдирган севильяликлар ҳал қилувчи паллада ҳам ташаббусни ўз қўлларига олишди ва рақиб дарвозасини икки бора аниқ нишонга олди. Европанинг энг катта стадиони — “Ноу Камп”да кечган баҳсда Диего Капель (5-дақиқа) ва Хесус Навас (90) томонидан киритилган голлар ўйин тақдирини ҳал қилди. Эслатиб ўтамиз, «Севилья» миллий чемпионатнинг якуний жадвалида 4-ўринни эгаллаб, Европа чемпионлар лигаси йўлланмасига эга бўлди. 9-ўрин билан кифояланган «Атлетико» эса Европа Лигасида яна бир карра ўз омадини синаб кўради.

## ДАВИД ВИЛЬЯ ЭНДИ «БАРСЕЛОНА»ДА



**Европанинг сўнгги йиллардаги энг яхши ҳужумчиларидан бири, Испания миллий терма жамоаси вакили Давид Вилья «Валенсия»ни тарк этиб, «Барселона» аъзосига айланди.**

Мазкур воқелик кеча улкан «Камп Ноу»да ташкиллаштирилган учрашув шоусида эълон қилинди. Ҳужумчининг янги жамоага келиб қўшилиши учун «кўк-анорранглилар» нақд 40 миллион евро сарфлади. Клубнинг расмий сайтида бу ҳақда батафсил ёзилган. 28 ёшни қаршилаб улгурган футболчи «Валенсия»да ҳақиқий етакчига айлана олди, клуб таркибида майдонга тушиб, 107 та гол уришга муваффақ бўлгани ҳам ҳужумчининг нечоғлик иқтидорга эга эканидан гувоҳлик бериб турибди. Қолаверса, Давид 2008 йили ўтказилган Европа чемпионатида энг яхши тўпурар бўлганди (миллий терма жамоа либосида 55та матч ўтказиб, 36та гол муаллифи бўлди).

## “ЛОНДОН-2012”: ТИМСОЛ ТАЙЁР



**2012 йили Англия пойтахти Лондон шаҳри мезбонлик қилувчи 30-ёзги Олимпиада ҳамда Паралимпиада мусобақаларининг махсус тимсоли яратилди. Унинг туб моҳиятини ҳосил қилган Уэнлок ва Мандевилль икки томчи сувдек бир-бирига мосланган.**

Уэнлок ва Мандевилль сўзлари ҳосил қилган Лондон олимпиадаси тимсоли Англиянинг икки тарихий шаҳари номидан келиб чиқди. Маълум бўлишича, ушбу кентлар дунёвий олимпиада ҳаракатларининг бошланишида муҳим аҳамиятга эга экан. Манч-Уэнлок ўйинларидан (Англия ғарбида ташкиллаштирилган мунтазам мусобақалар) қадимий Греция ўйинлари (олимпиада) илҳом олган ва барон Пьер де Кубертен 19-асрга келиб, уни олимпиа ҳаракатига айлантириб юборди. Яна бир инглиз шаҳри — Сток-Мандевилль Паралимпиада ўйинлари ватани саналади. 1948 йили Сток-Мандевилль шаҳри реабилитация шифохонаси шифокори сэр Людвиг Гуттман Иккинчи жаҳон уруши чоғида жароҳат олган британиялик фахрийларни йиғиб, улар иштирокида илк маротаба мусобақалар уюштирганди.

## ИККИ ЙИЛЛИК “БЕГОНАЛИК”



**Америкалик теннисчи Уэйн Одесник катта корт билан икки йилга хайрлашди. Мазкур дисквалификацияга спортчининг допинг модда истеъмол қилгани сабаб бўлган.**

Халқаро теннис федерацияси (ITF) матбуот хизмати тарқатган хабарда ёзилишича, дисквалификация муддати 2009 йилнинг 29 декабридан келгуси йилнинг 28 декабрига қадар давом этади. Жорий йил аввалида теннисчи Австралияга кетаётганда божхона хизмати томонидан тўхтатиб текширилганда, машинасидан ҳар бири 6 мг. бўлган бир неча допинг маҳсулоти топилганди. Шундан сўнг спортчига 7,2 минг доллар миқдорида жарима солинди. Одесникнинг айтишича, мазкур тақиқланган препаратларни ички касалликлар туфайли юзага келган жароҳатларини хронологик даволаш мақсадида олиб юрган. Айни дамда 24 ёшли теннисчи АТР рейтингида 114-ўринда қайд этилган.

**Темур АЛИБОЕВ ва Ирода ИКРОМОВА тайёрладилар.**



**Миробод туманидаги 125-мактабда 9-синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Энг билимдон битирувчи — 2010» кўрик-танловининг якуний шаҳар босқичи ўқувчилар билимини оширишга, уларни маълум маънода мустақил ҳаётга тайёрлашга қаратилди. Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методика маркази ташаббуси билан ташкил этилган ушбу кўрик-танлов интеллектуал — ўйинлар асосида, қизгин баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтди. Унда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, РТМ ҳамда ТШПХҚТМОИ ходимлари, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси — 2010» кўрик-танлови ғолиблари, «Ёш педагоглар мактаби» лидерлари, ўқитувчилар ва ўқувчилар қатнашдилар.**



# БИЛИМДОН БИТИРУВЧИ
## муносиб тақдирланди

Танловда ҳар бир тумандан ғолибликни қўлга киритган 1 нафардан билимдон, зукко битирувчилар ўзларининг она тили ва адабиёт, тарих, ҳуқуқ ҳамда миллий ғоя туркумига кирувчи фанлардан эгаллаган билимларини синовдан ўтказдилар.

Танлов жараёнида шунга гувоҳ бўлдикки, иштирокчилар ўз билимларини намойиш этиб, ғолибликни қўлга киритиш, мактаблари, шарафини ҳимоя қилишга жонжаҳдлари билан ҳаракат қилишди.

Миробод туманидаги 218-мактаб ўқувчиларининг рақс ва қўшиқлари тадбирга янада кўтаринкилик ва байрамона кайфият бахш этди.

— Бу тадбир орқали битирувчилар турли фанлар бўйича ўз билимларини яна бир бор синовдан ўтказдилар, — деди тадбир ташкилотчиларидан бири З.Азимбоева. — Бу орқали улар ўзларининг ҳаётга нечоғлик тайёр эканликларини намоён қилдилар. Шунингдек, ушбу тадбир битирувчиларни илм олиш ва билимларини мустаҳкамлашга ундади, десак хато бўлмайди.

Илм — уфқи кенг осмон. У — бепоён денгиз. Етарлича илмга эга бўлиш учун ҳам қанчадан-қанча меҳнат, қунт ва сабр-тоқат талаб этилади. Танлов битирувчиларни ана шу ҳақиқатни яна бир бор англашга, илм олиш йўлида бундан-да кўпроқ, бундан-да яхшироқ ҳаракат қилишга чорлади.

Танлов натижаларига кўра, «Йилнинг энг билимдон битирувчиси» деб Бектемир туманидаги 293-мактаб битирувчиси Санжар Убайдуллаев топилди ва унга «Йилнинг энг билимдон битирувчиси — 2010» рамзий лентаси, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси ҳамда диплом топширилди. Танловда фаол иштирок этган ўқувчилар ҳам ташкилотчиларнинг Фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

**Соҳиба МУЛЛАЕВА,**
**«Ma'rifat» мухбири**

# АМАЛИЁТ — МУСТАҲКАМ БИЛИМ АСОСИ



**Самарқанд вилояти Нарпай тумани Оқтош шаҳридаги тадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежида йигит-қизлар бизнес, кутубхоначилик, тикувчилик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш каби тўққиз йўналиш бўйича билим олмоқда.**

Коллеж ўқувчилари мутахассислиги бўйича ташкилотларга бириктирилиб, назарий билимларини амалиётда мустаҳкамлаши учун имкон яратилмоқда. Шу кунларда коллеж ўқувчилари Нарпай туманидаги маиший хизмат шохобчаларида, «Оқтошдон» акциядорлик жамияти, умумтаълим мактаблари ҳамда хусусий сектор субъектларида амалиёт ўтамоқда.

**Суратларда: коллежнинг дарс машғулотларидан лавҳалар акс этган.**

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА)**
**олган суратлар.**







Ma'rifat

*TA'SIS ETUVCHILAR:*

*O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.*

**Bosh muharrir:**
**Abdusamat RAHIMOV**

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEKNAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-422.
Tiraji 40656.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Rayhona XO'JAYEVA.

Navbatchi:
Sanjar RUSTAMOV.

*«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.*
*Ⓜ belgisi ostida reklama materiallari beriladi.*

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar
Gulnora SAFAROVA,
Malohat TOSHOVA.

*«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.*

Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 23.00.
Topshirildi — 23.00
ЎзА якуни — 22.40